

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ
ХУДУДЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

ШНҚ 2.07.04-2019

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
Ташкент 2019**

ШНҚ 2.07.04-2019 Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш / Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. Тошкент ш. 2020 й.

ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТГАНЛАР: а.ф.н. Ф.Ф.Бакирханов, Р.Р.Иминов, С.М.Махмудов (ЎЗР. “Давархитектқурилишқўм”), А.Н.Скоробогатько (ЎЗР. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги), а.ф.н. М.У.Умаров, Н.Е.Пилипчик, Д.Ш.Журабаев, М.М.Хошимов, Р.М.Қодиров, Р.К.Қадирова, Л.Г.Қогай, В.А.Лигай, Л.Н.Белоедов, Ф.И.Цой, С.А.Ақбаров, Т.Н.Овчинникова, Э.Д.Григорьев (“Ўзқишлоқлойиха” ОТАЖ).

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА КИРИТИЛДИ: “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ томонидан (И.С.Аҳмедов, И.И.Усманходжаев, Л.К.Мелиева, З.З.Юсупова – мавзу раҳбари, муаллифлар Ж.Ю.Мирзамухамедов, В.Я.Бескоровайный, О.Я.Ескина, Ф.И.Цой).

МУХАРРИРЛАР: Б.И.Закиров, Ш.С.Хидоятлов, Б.С.Садиқов, Х.Х.Очилов (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги), И.И.Усманходжаев (“Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ).

ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Ж.И.Балтаев, А.А.Муслимов).

ТАСДИҚЛАНДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2019 йил 23 декабрдаги 561-сонли буйруғи билан. Амалга киритилиш санаси 2020 йил 1 апрелдан.

ШНҚ 2.07.04-2019 “Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш” амалга киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ШНҚ 2.07.04-12 ўз кучини йўқотади.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг рухсатисиз расмий ҳужжат тариқасида тўла ёки қисман нусха кўчирилиши, кўпайтилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

© Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. 2020 й.

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШНҚ 2.07.04-19**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ
МЕЪМОРИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ****Архитектурное планирование и организация территории
сельскохозяйственных предприятий****Architectural planning and organization of the territory
of agricultural enterprises**

Амалга киритилиш муддати 2020-01-04

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу нормалар ва қоидалар (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) ишлаб чиқариш фаолияти ва мулкчиликнинг турли шаклларидаги янги қишлоқ хўжалик корхоналарининг лойиҳалаштирилиши ва мавжудларининг реконструкция қилинишига тегишлидир;

ҳудудларнинг меъморий режалаштирилиши ва ташкил қилинишига нисбатан асосий талабларни ўз ичига олади ва қайси идорага бўйсунитилган катъий назар барча лойиҳа ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

1.2. Қишлоқ фуқаролари йиғинлари (кейинги ўринларда ҚФЙ деб юритилади) ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини (кейинги ўринларда ХМРТ лойиҳаси деб юритилади) ишлаб чиқишда ҳукумат қарорлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир истиқболли прогнозлар инобатга олиниши зарур.

Ушбу ШНҚ амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва мазкур тизимнинг шаҳарсозлик ва архитектура, қурилиш, экология ҳамда ер тузиш соҳасидаги бошқа меъорий ҳужжатларга амал қилинишини тақозо этади.


1.3. ҚФЙ нинг ҳудуди – бу очик ва ёпиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, саноат, ташқи ва ички инфратузилма объектлари, аҳолининг яшайдиган, меҳнат қиладиган ва дам оладиган жойларининг табиий муҳитда иқтисодий ва экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда, ягона меъморий режалаштириш ғояси асосида ҳал қилинган шаҳарсозлик фаолиятининг қўшиб олиб борилишидир.

ҚФЙ лар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳудудлари очик шаҳарсозлик тизими ва шаҳарсозлик фаолиятининг объектлари сифатида қўрилиши зарур.

1.4. ҚФЙ лар ёки қишлоқ хўжалиги корхоналари ҲМРТ лойиҳасининг асосий шаҳарсозлик вазифаларини, барча аҳоли пунктларининг режавий тузилмасини ҳал этади ва лойиҳа элементларини ишчи лойиҳалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лойиҳа мазмуни 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳасининг таркиби



*) Айрим объектлар учун қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилиши мумкин

Асосий вазифалар:

худуднинг истиқболли ривожланиши ва режалаштириш асосларини, объектларнинг ҚФЙ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболли прогнози билан боғланган жойлаштириш хусусиятини белгилаш;

хўжалик ичида қарор топган жойлашувнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилиши билан уйғунлаштирилган ҳолдаги реконструкцияси;

ҚФЙ аҳолисининг, шу жумладан, ҳар бир аҳоли пункти бўйича аҳолининг лойиҳадаги сонини белгилаш;

ҚФЙ ҳудудида маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш;

фуқаролар учун уй-жойлар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги қурилиш учун зарур ҳажмларни ва улар жойлаштириладиган жойларни белгилаш;

уй-жой-фуқаролик ҳамда ишлаб чиқариш объектларининг қурилиши бўйича талаб этилган ҳажмларни ва уларни жойлаштириш учун ерларини белгилаш;

хўжалик ичидаги транспорт-пиёдалар коммуникацияларини ташкил қилиш;

қишлоқ аҳоли пунктларинининг ҚФЙ доирасидаги муҳандислик таъминоти, ободонлаштирилиши ва ландшафтини шакллантирилиши бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

аҳоли сонидан қатъий назар аҳоли пунктларини режалаштиришнинг принципиал схемаларини ишлаб чиқиш;

атроф муҳитни ҳимоя қилиш, табиат ёдгорликлари, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

1.5. Ушбу ШНҚ ни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялар ҳисобга олинди:

бозор иқтисодиётига ўтиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари мустақил хўжалик юритишининг ривожланиши, бошқарувнинг марказлашмаган тизимга ўтказилиши, мулкчиликнинг турли шаклларининг жорий этилиши;

кўп тармоқли иқтисодиёт ва бозор муносабатларининг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини хилма-хил шаклларининг мавжудлиги аҳоли жойлаштирилиши ҳам турлича шаклда (кичик қишлоқлардан йирик қишлоқ аҳоли пунктларигача) бўлишини тақозо этади ва ҚФЙнинг бутун ҳудудида аҳолининг яшаши учун қулай шарт-шароитларнинг нормативларга мувофиқ таъминланишини талаб қилади.

1.6. ҚФЙ объектларини ёки қишлоқ хўжалиги корхонасини ривожлантиришнинг меъёрлаштирилиши қуйидаги энг муҳим принципларга асосланган:

ҚФЙ ёки қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудини аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланишини назарда тутувчи мақсадга мувофиқ равишда функционал зоналаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янада ривожлантириш, табиий, инсон ва моддий ресурслардан самарали

фойдаланиш шартида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, рекреацион хизматни ташкил қилиш ва мавжуд ресурсларни ривожлантириш каби чоратадбирларни кўзда тутувчи комплекс ривожлантирилиши;

турли даражалардаги элементлардан иборат жойлаштириш тизимини ташкил этувчи барча аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилишини рағбатлантириш;

жойнинг табиий рельефи, ирригация тизими ва транспорт-пиёда алоқаларини максимал тарзда сақлаб қолиш;

барча қишлоқ аҳоли пунктларини, улардаги яшаш қулайликларини оширишга қаратилган кўп омилли комплекс ривожлантиришни таъминлаш.

1.7. Қуйидагилар лойиҳалаштириш нормаларига табақалаштирилган тарздаги ёндошувнинг услубий негизи ҳисобланади:

аҳоли пунктларини лойиҳалашни жойлаштириш тизимларининг ҳозирги ва истиқболдаги ривожланиши билан боғлиқ тарзда олиб боришга имкон берадиган жойлаштириш схемалари;

аҳоли пунктларини аҳолининг лойиҳадаги сони ва уларнинг шаҳарсозлик нуқтаи назарида ривожлантириш режимига асосланган таснифланиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг минтақаларни ландшафт ва иқлимнинг ўхшаш шароитларига кўра ажратадиган ҳамда уларни ҳисобга олиш ва ноҳуш омилларни режалаштириш воситалари (кўкаламлаштириш, сув билан таъминлаш ва шу қабилар) ёрдамида яхшилашга доир тегишли тавсияларга эга бўлган ландшафт-иқлимли районлаштирилиши;

йўл тармоғининг қишлоқ фуқа-ролари йиғини ҳудуди тузилмасини тўғри шакллантириш ва транспорт алоқаларини ташкил қилишга имкон берадиган таснифлаш;

1.8. Ҳисоб-китобларда зарур ахборотнинг тўлиқ бўлиши учун ушбу меъёрий ҳужжатнинг айрим бўлимларига, манбаларга тегишли ҳаволалар қилинган ҳолда, бошқа меъёрий ҳужжатларнинг жадваллари киритилди.

2. ХУДУДНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

2.1. ҚФЙ ни турли ҳудудий даражалар тизими, яъни: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўз чегаралари доирасида, маъмурий қишлоқ хўжалик тумани, вилояти ёки унинг бир қисми, минтақа доирасида ва, ниҳоят, Республика агросаноат комплекси доирасида ташкил этилишидан иборат агросаноат комплексининг элементи сифатида лойиҳалаштириш лозим.

2.2. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари минтақанинг тарихий қарор топган ва табиий шарт-шароитлари асосида, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумреспублика прогнозини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилиб туриб белгиланади:

ишлаб чиқариш объектларини ҚФЙ ёки қишлоқ хўжалиги корхонаси худудида жойлаштириш;

хўжалик ичидаги транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини жойлаштириш.

2.3. ҚФЙ худудида жойлашган фермер хўжаликларининг ердан ва сувдан фойда-ланиш шароитлари, хўжаликларнинг ихтисослашуви, ишлаб чиқариш ҳажмлари, жойлаштириш тизими ва йўл алоқаларини ўрганиш асосида белгиланган чегаралари лойиҳада ҳисобга олиниши лозим.

2.4. Фермер хўжаликлари, чорва-чилик ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини улардаги қишлоқ хўжалиги ерлари (кўп йиллик мевали дарахтзорлар, узумзорлар, суғориладиган ва лалми ерлар, яйлов ва пичанзорлар)нинг майдонлари ва худудларини белгилаган ҳолда жойлаштириш режаси ҚФЙ худудларини ташкил қилиш бўйича лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқиш учун асос сифатида қўлланилиши лозим.

3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ТАРМОҒИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

3.1. Ишлаб чиқариш объектларининг жойлаштирилиши ҚФЙ аҳолисининг ишлаб чиқаришга оид фаолиятини пухта иқтисодий таҳлил этиш асосида ва қабул қилинган жойлаштириш тизимига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларнинг режавий тузилмаси хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши ва ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантиришга ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган барча тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишига кўмаклашиши зарур.

Ишлаб чиқариш объектларини қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳолиси учун пиёда етиб олиш радиусида, йўллар, сув ва электр таъминоти тармоқлари ёнида, маҳаллий шароитлар (иқлим, жойнинг рельефи, шамолларнинг асосий йўналишлари, очиқ сув ҳавзаларининг мавжудлиги, ер ости сувларидан фойдаланиш имконияти ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларнинг қуввати ва ихтисослашуви қишлоқ хўжалиги корхонасининг хўжалик фаолияти йўналишларини (пахтачилик, ғаллакорлик, шолиторлик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқ.) ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3.2. Қуйидагилар ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади:
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар;
қишлоқ хўжалиги техникаси ва автотранспортини таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш корхоналари;
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари омборхоналари ва сақланадиган жойлар;
иссиқхоналар ва иссиқхона-парник хўжаликлари;
чорвачилик, паррандачилик, ҳайвонотчилик фермалари, озуқа тайёрлаш пунктлари, ҳовузчилик (балиқчилик) хўжаликлари;

ветеринария муассасалари;
 халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар, халқ хунармандчилиги устахоналари.

3.3. Атроф муҳитга зарарли чиқитларни ва ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбалари ҳисобланган технологик жараёнларга эга ишлаб чиқариш объектлари аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлардан санитария ҳимоялаш минтақалари (зоналари) билан ажратилиши лозим.

3.4. Ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун участкаларни ажратишда аҳоли пунктларини сани-тария ҳимоялаш зоналарини шамоллар йўналишини инобатга олган ҳолда яратилишини (2-жадвал), шунингдек лойиҳалашнинг ветеринария, ёнғинга қарши ва технологик меъёрларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Санитария-муҳофаза зоналари ердан фойдаланишдан чиқариб ташланмайди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун фойдаланилиши керак.

Санитария-муҳофазалаш зонасида турар жой бинолари, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ва дам олиш муассасалари, спорт иншоотлари, боғлар, хиёбонлар, боғдорчилик ширкатлари ва поллизларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Чорвачилик фермалари ва комплекслари қурилиши учун ер участкалари майдонлари боғланиб боқиладиган фермалар учун бир бош қора молга – 100-150 м²; боғланмасдан боқиладиган фермалар учун – 125-175 м² ҳисобидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш объектлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасидаги санитария-муҳофаза зоналари

2-жадвал

Ишлаб чиқариш комплекслари ва уларнинг объектлари	Санитария-муҳофаза зонасининг кенглиги
Йирик қорамол комплекслари	1000
Паррандачилик фабрикалари	1000
Чўчкачилик фермалари	500
Йирик қорамол фермалари (барча ихтисослар бўйича), қўйчилик, йилқичилик, паррандачилик фермалари	300
Молхоналар, 100 бошгача	100
Паррандачилик фермалари, 100 минг бошгача	300
Ҳайвонотчилик фермалари (қорақузан, тулки ва бошқлар)	500
Қуёнчилик фермалари	100
Ветеринария шифохоналари (ҳайвонлар парвариши билан)	100
Ветеринария шифохоналари (ҳайвонлар парвариш қилинмайдиган)	50

Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари (чўчқахоналар, молхоналар, қушхоналар, ҳайвонотчилик), 1000 бошгача.	100
Иссиқхоналар ва парниклар	100
Ем тайёрлаш цехлари	100
Қишлоқ хўжалиги машиналари ва автомобилларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш гаражлари ва парклари	100
Заҳарли моддалар омборлари (сиғими 500 тоннадан ортиқ)	500
Заҳарли моддалар ва минерал ўғитларни сақлашга мўлжалланган омборлар (сиғими 50 тоннадан ортиқ)	300
Заҳарли моддалар ва минерал ўғитларни сақлашга мўлжалланган омборлар (сиғими 50 тоннагача)	100
Хўл мевалар, сабзавотлар, картошка ва дон сақланадиган жойлар	50
Қушхоналар (30 тагача йирик ва майда қорамол учун мўлжалланган), гўшт комбинатлари, гўшт сақланадиган совутгичли қушхоналар	500
Пишлоқ пишириш, гўшт ва балиқ дудлаш корхоналари	500
Балиқчилик хўжаликлари	300
Қушхоналар, 30 тагача йирик ва майда қорамол, майда ҳайвонлар ва паррандалар учун мўлжалланган	300
Пиво, квас, алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш	300
Тамаки-махорка корхоналари	300
Мой (ўсимлик мойи) заводлари	300
Дон оқловчи тегирмонлар ва корхоналар, омухта ем заводлари	300
Балиқ консерва корхоналари (дудлаш цехларисиз)	300
Элеваторлар	300
Сут ва ёғ заводлари	1000
Бирламчи вино, ош сиркасини ишлаб чиқариш заводлари	100
Қандолатчилик, чой қадоқлаш, макарон, колбаса фабрикалари	50
Нон заводлари, сабзавот ва хўл мева сақлаш жойлари	50
Узум, хўл мева ва сабзавот шарбатлари, алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш корхоналари	50
Хўл мева ва сабзавотларни қайта ишлаш (қуриштиш, тузлаш, маринадлаш) ва сақлаш корхоналари	50
Ҳайвонларнинг хом мўйнали териларига ишлов бериш ва бўяш корхоналари	300
Жун ювиш корхоналари	100
Пийма ва кигиз-намат босиш корхоналари	100
Пийма босиш устахоналари	50
Ўсимлик: пахта, зиғир, канош, кендирь толасига бирламчи ишлов бериш корхоналари	500
Оқартириш ва бўёқчилик корхоналари	300
Поливинилхлорид плёнка, резина ишлаб чиқариш	100
Жун, пахта, зиғирдан йигирилган ип, газлама ишлаб чиқариш (бўёқчилик ва оқартириш цехлари билан бирга)	100
Пахта қабул қилиш пунктлари	100
Пилла қайнатиш ва пилла тортиш корхоналари	50
Цемент, асбест ва улардан маҳсулот ишлаб чиқариш	1000
Асфальтобетон, гипса, оҳак ишлаб чиқариш	500
Шиша қуйиш маҳсулотлари, шиша толаси, шағал, майда шағал, қум, толь, рубероид ишлаб чиқариш	300
Ғишт (қизил, силикат), оловбардош керамик буюмларни ишлаб чиқариш	300
Темир-бетон буюмлар, керамзит, сунъий тош ишлаб чиқариш	300
Цемент ва чангувчи бошқа қурилиш материалларининг элеваторлари	300
Шағал, қум, лой очиқ конлари	300

Лой маҳсулотларини ишлаб чиқариш	100
Ёғочга ишлов бериш корхоналари	300
Дурадгорлик, мебель, паркет, яшчик ишлаб чиқариш корхоналари	100
Тахта тилиш, фанера ва ёғоч иморатлар деталларини ишлаб чиқариш корхоналари	100
Юқори вольтли электр узатиш линиялари: 10-35кВ	10-15
110-220кВ	20-25
500кВ ва ундан юқори	35-45
<p>Изоҳ:</p> <p>1. Санитария-муҳофаза зонасининг кенглиги деб ишлаб чиқариш зарарларининг атмосферага чиқариб ташланадиган жойлари билан аҳоли пунктларида жойлашган турар жой ва жамоат бинолари ўртасидаги масофани ҳисоблаш лозим.</p> <p>2. Паррандалари далада боқилмайдиган паррандачилик хўжаликлари учун санитария-муҳофаза зонасининг кенглиги 50% га камайтирилиши мумкин.</p> <p>3. Гўнг сақланадиган жойлар (тезак сақланадиган жойлар) мустақил санитария-муҳофаза зоналарига эга бўлмайди ва турар жой зонасига нисбатан фермаларнинг тегишли турлари (типлари) учун белгиланган оралиқларга риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши лозим.</p>	

4. ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

4.1. Қишлоқ аҳоли пунктлари жойлаштириш бўйича ягона тизимнинг элементлари ҳисобланиб, қарор топган ҳудудий тузилмалар асосида шакллантирилади:

маъмурий туман;

қишлоқ (маҳалла (МФЙ), овул (ОФЙ)) фуқаролари йиғини (ҚФЙ);

қишлоқ аҳоли пунктлари.

4.2. Жойлаштиришнинг оқилона тизими ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш истиқболларига ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қабул қилинган ташкилий тузилмасига жавоб бериши керак. Бунда жойлаштириш тизими учун ягона бўлган ижтимоий, ишлаб чиқариш, муҳандислик-транспорт ва бошқа инфратузилмаларнинг шакллантирилиши, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхонаси доирасида истиқболда ривожлантириладиган меҳнат, маданий-маиший ва рекреацион алоқалар ҳисобга олиниши лозим.

4.3. Қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолининг лойиҳавий сонига боғлиқ равишда 3-жадвалга мувофиқ гуруҳларга бўлинади.

4.4. ҚФЙ ҳудудида жойлаштириш юзасидан лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

жойлаштиришнинг тарихий қарор топган тизимининг ижобий жиҳатларини ва камчиликларини ва у билан боғлиқ асосий элементларни, ҳудуднинг замонавий режалаштирилишини ва хўжалик жиҳатдан ташкил этилишини ҳисобга олиш;

меҳнаткашларнинг иш жойларига қатнаши учун энг кам вақт сарфланашини, шунингдек, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни

ривожлантириш ва улар дам олиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

аҳолининг истиқболда турар жой билан таъминланганлиги ўсишини ҳисобга олиш;

қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш, қуриш, муҳандислик ускуналари билан жиҳозлаш ва ободонлаштиришнинг юқори сифатли даражасини сақлаб қолган ҳолда уларни қуриш ва фойдаланиш қийматини камайтириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

амалдаги санитария-гигиена, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа меъёрлар ҳамда талабларга риоя қилиш.

3-жадвал

Тартиб рақами	Қишлоқ аҳоли пунктлари	Аҳоли сони
1	Йирик	5000 дан ортиқ
2	Катта	3000 дан 5000 гача
3	Ўртача	1000 дан 3000 гача
4	Кичик	1000 гача

4.5. Аҳоли пунктларини ривожлантириш истиқболлари қишлоқ хўжалиги туманининг ихтисослашуви, вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемалари ва туманларни режалаштириш лойиҳаларини ҳисобга олиб туриб, агросаноат комплексини шакллантириш билан уйғунлашган тарзда ушбу туманнинг иқтисодий ривожланиши прогнозлари асосида белгиланиши лозим.

4.6. Қишлоқ аҳоли пунктларидаги хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасаларининг тармоғи барча қишлоқ ва овуллар, иш жойлари ва дам олиш зоналарини қамраб оладиган ягона тизимдан иборат бўлиши керак.

4.7. Қишлоқ аҳоли пунктларининг фазовий-режавий тузилмасини шакллантиришнинг умумий принциплари Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иқлимга доир районлаштиришни (сахролар, сахролар қуршовидаги воҳалар, тоғ этакларидаги воҳалар, янгидан ўзлаштирилаётган ерлар ва тоғлар) ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.01.01 га мувофиқ ҳал қилиниши лозим.

4.8. Қишлоқ аҳоли пунктларининг режавий тузилмасини шакллантиришда функционал зоналарнинг компакт жойлаштирилиши ва ўзаро боғлиқ бўлишини, ҳудуднинг жамоат марказлари, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси билан уйғун тарзда оқилона районлаштирилишини, ҳудуднинг шаҳарсозлик нуқтаи назарида аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ундан самарали фойдаланишни, архитектура-шаҳарсозлик анъаналари, табиий-иқлим, ландшафт, миллий-маиший ва бошқа маҳаллий ўзига хос хусусиятларнинг комплекс тарзда ҳисобга олинишини таъминлаш лозим бўлади.

5. АҲОЛИНИНГ ЛОЙИҲАВИЙ СОНИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ

5.1. ҚФЙ аҳолиси ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши ва меҳнат фаолиятининг турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: шаҳар ташкил қилувчи, хизмат кўрсатувчи ва фаолият кўрсатмайдиган.

Шаҳар ташкил қилувчи аҳамиятга эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар сирасига қуйидагилар киради:

қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари, шу жумладан, барча енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари, шунингдек, омборлар ва моддий-техника таъминоти базалари;

қурилиш ташкилотлари;

ташқи транспорт корхоналари ва муассасалари;

туман ва вилоят, аҳамиятига эга бўлган хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари.

Аҳолининг хизмат кўрсатувчи гуруҳига қуйидагилар киради: шу ҚФЙ худдудида яшовчи, аҳолига хизмат кўрсатувчи муассасалар ва корхоналарнинг ишчилари.

Ўзи фаолият кўрсатмайдиган кишилар гуруҳларига эса – болалар, ўқувчилар ва нафақахўрлар киради.

5.2. Аҳолининг лойиҳадаги сонини ҚФЙ бўйича умуман ҳисоблаб чиқиб, кейинчалик аҳоли пунктлари бўйича тақсимлаш зарур.

Янгидан ташкил этилаётган қишлоқ аҳоли пунктларидаги аҳоли сонини ҳисоблаш учун кадрларнинг меҳнат баланси услуби қўлланилиб, кейинчалик, бозор иқтисодиётига (кичик корхоналар, бизнес соҳаси ва ҳоказо) ўтилишини ҳисобга олган ҳолда бир қатор параметрлар (аҳолининг табиий кўпайиши, ёшларнинг ўзгариб бориши) бўйича текширилади.

Аввалдан мавжуд аҳоли пунктларидаги аҳоли сонини ҳисоблаш учун аҳолининг табиий кўпайишига асосланган статистик услуб қўлланилади. Бундай услуб қишлоқ хўжалигида иш жойлари танқислигига қарамай аҳоли миграцияси назарда тутилмаган ҳоллардагина аниқ натижалар беради.

Аҳоли сонини меҳнат балансига асосланган ҳисоб-китоб қилиш услубиёти D-иловада келтирилган.

5.3. Аҳоли сонининг ҳисоб-китоби қурилишнинг биринчи 5-7 йиллик навбатини ажратиб кўрсатган ҳолда 10-15 йиллик муддат учун бажариш лозим.

Аҳоли сонининг ҳисоб-китоби, аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожланириш, турар жой-фуқаролик ва ишлаб чиқариш қурилиши ҳажмларини белгилаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

6. УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШINI РИВОЖЛАНТИРИШ

6.1. Замоनावий бозор муносабатлари шароитида қурилишнинг ҳар хил турларини: кўрғонлар, кам қаватли, зич жойлаштирилган, текис ҳудудларда ва мураккаб рельефли участкаларда қуриладиган уй-жой тузилмаларини қўллаш лозим, бунда уй-жой қурилиши қулай уй-жой муҳитини шакллантиришнинг кўп турдаги талабларига (шаҳарсозлик, демографик, табиий-иқлимий, эстетик) жавоб бериши керак. Қишлоқдаги манзилгоҳларда уй-жой қурилишининг элементлари таркиби, ўлчамлари ва меъморий-режавий ташкил этилиши оилаларнинг функционал-маиший жараёнлари, жамоанинг қўшничилик муносабатлари (махалла) ва ижтимоий уюшмаларнинг бошқа турлари билан белгиланади.

6.2. Уй-жой қурилиши ҳажмлари аҳолининг ҳисобланган сонидан келиб чиқиб, ҳар бир қишлоқ аҳоли пункти бўйича уй-жой фондининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва биринчи навбатда қуриладиган уй-жой бинолари номенклатураси таклиф қилинади.

Турар жой ҳудудлари ва уй-жой фонди ҳозирги ҳолатини баҳолаш куйидаги жиҳатларга тегишли бўлади:

турар жой ҳудудларининг санитария-гигиеник хусусиятлари;

турар жойнинг анъанавий типи ва қурилиши принциплари (ўзига хос миллий-маиший хусусиятлари, маданий анъаналарнинг хилма-хиллиги, қишлоқ жойлардаги қурилишнинг моддий-техник базаси, муҳандислик таъминотининг даражаси);

томорқа ер участкасининг мавжудлиги.

6.3. Турар жой биноси юқори эстетик талабларга, миллий анъаналарга, турли контингентларни уларнинг маиший эҳтиёжларини ҳисобга олиб жойлаштиришнинг демографик талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Тақомиллашган намунавий лойиҳалар бўйича турар жой биноларининг қурилиши афзалроқ ҳисобланади

Томорқа ер участкасида битта оила учун иморат қуриш учун ер майдонининг ўлчами яқка тартибда уй-жой қуриш тўғрисидаги Низомга асосан белгиланади.

6.4. Ўзбекистоннинг минтақавий шарт-шароитлари билан шартланган ва турар жой фонди шаклланишига таъсир кўрсатадиган барча талаблар ривожланаётган бозор иқтисодиёти ва турар жойга мулкчиликнинг ҳар хил турлари билан комплекс тарзда кўриб чиқилиши лозим. Ўз участкасида яқка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш имкониятларига эга турар жой биноларининг турлари тавсия қилинади: уста хунарманднинг уйи (сопол, ёғоч-тахта, металл, ипгазлама, гилам ва шу кабилар); кичик ва олисда жойлашган қишлоқлардаги бошланғич мактаб ўқитувчисининг уйи; тиббий пункт ва дорихонали эга шифокорнинг уйи; оилавий болалар боғчаси бўлган уй; новвойхона, чойхона, дўкон, маиший хизматлар кўрсатиш пунктига эга уй; фермернинг уйи ва ҳоказо.

6.5. Турар жой ва жамоат бинолари ўртасидаги масофани инсоляция ва аэрация, асосий турар жой хоналари ва томорқа участкаларининг кўздан панароқ бўлишини ҳисобга олиб, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги талаблари (ШНҚ 2.07.01, ШНҚ 2.08.01, ШНҚ 2.09.01) га мувофиқ тарзда минимал қилиб қабул қилиш лозим.

7. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУАССАСАЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

7.1. Ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил этилишини ижтимоий хизмат кўрсатишнинг қарор топган тизимларига мувофиқ тарзда, яшаш жойида ижтимоий хизмат кўрсатиш билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

7.2. Ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши қуйидагиларни таъминлаши керак:

хизматларни олиш учун маблағ, куч ва вақтни энг кам сарфлаган ҳолда хизмат кўрсатишнинг оммавий ва яқка тартибдаги турларининг тўлиқ комплексини;

шаҳарсозлик ривожланишининг ҳар бир босқичида хизмат кўрсатиш даражасини изчил тарзда секин-аста оширилиб боришини;

жамоат ва хусусий хизмат кўрсатишнинг янги усуллари, шакллари ва турларини жорий этиш ва уларни янада такомиллаштириш.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғининг лойиҳалаштирилиши қуйидаги шаҳарсозлик омилларини ҳисобга олиб бажарилиши лозим:

ҚФЙ нинг ҳудуди жойлашган туманнинг халқ хўжалигидаги ихтисослашуви;

қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ихтисослашувнинг асосий йўналишлари;

шаҳар ташкил қилувчи базанинг хусусиятлари;

ҚФЙ ҳудудининг режавий тузилмаси ва функционал зоналаштирилиши;

ташқи ва ички транспорт алоқалари ва муҳандислик инфратузилма тизими;

аҳолининг зичлиги, ишлаб чиқариш, меҳнат ва маданий-маиший алоқалар туси;

аҳоли пунктининг жойлаштириш ва манзилгоҳлараро хизмат кўрсатиш тизимидаги миқёси ва аҳамияти, аҳоли пунктини ривожлантириш истиқболлари.

ҳар хил тоифадаги тизимларнинг марказларига вақт оралиғида транспортда етиб бориш имкониятлари;

хизмат кўрсатиш бўйича кўчма воситалар тармоғининг кенг жорий қилиниши.

7.3. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилиши қуйи-дагилар бўйича таклифларни ўз ичига олиши лозим:

ҚФЙ нинг бутун ҳудудида мактабгача ва мактаб таълими муассасалари тармоғининг ташкил қилиниши;

ҚФЙ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши;

ҚФЙ аҳолисига маданий-маърифий ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилиши;

ҚФЙ аҳолисига рекреацион хизмат кўрсатилиши;

ҚФЙ нинг ҳудудида маъмурий ва жамоат ташкилотларининг жойлаштирилиши.

Мактабгача ва мактаб таълими муассасалари тармоғининг ташкил қилиниши

7.4. Қишлоқдаги мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги ишлаб чиқариш фаолияти усуллари ва бунинг оқибатида яшаш шарт-шароитларини ўзгартирди. Аҳоли пунктларини марказлаштириш ва йириклаштириш тенденциясига қарама-қарши ўлароқ қишлоқлар, фермер хўжаликлари қўрғонлари ва шу қабиларнинг тарқоқ ва сийраклашган тарзда жойлашиши тобора кенг тус олмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими муассасалари яшаш ва ишлаш жойларига максимал яқинлаштириб жойлаштирилиши лозимлиги сабабли кам сиғимли, боғча-ясиларининг гуруҳлари ва мактабларнинг синф хоналаридаги болалар сони камайтирилган таълим муассасаларига эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

7.5. Болалар боғчалари-ясиларидаги ўринлар сонини муайян посёлка аҳолисининг демографик тузилишига қараб белгилаш керак.

Мактабгача таълим муассасалари тармоқлари қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий типдаги болалар боғчалари-ясилари, соғломлаштириш ва ихтисослашган, идоравий, ширкат шаклидаги ва хусусий муассасалар.

Аҳолисининг сони 1000 кишигача бўлган аҳоли пунктларида кам сиғимли болалар боғчалари-ясиларини жойлаштириш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Соғломлаштириш ва ихтисослашган болалар боғчалари-ясиларини аҳолисининг сони 3000 дан ортиқ бўлган йирик ва катта қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлик даражасини 4-жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

7.6. Мактабгача таълим муассасалари учун ер участкаси майдони сиғимга қараб қабул қилиниши керак:

25 ўрингача – ҳар бир болага 50 кв.м.

90 ўрингача – ҳар бир болага 40 кв.м.

90 ўридан кўп бўлганида – ҳар бир болага 35 кв.м.

7.7. Таълим тизимини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига биноан, кўриб чиқиладиган ҚФЙ ёки қишлоқ хўжалик қорхонаси ҳудудида аҳолини жойлаштирилиши хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш керак.

7.8. Умумтаълим ўқув муассасалари мактаб ёшидаги болаларнинг таълимнинг у ёки бошқа босқичи билан қамраб олинганлигига оид кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилиши лозим.

Ўринлар сони ва ер участкасининг ўлчамлари 5-жадвал бўйича қабул қилинади.

Умумтаълим ва ихтисослашган мактаблар, гимназиялар, лицейлар, коллежларнинг сифими ўринларнинг умумий сонига, уларнинг жойлаштирилиши эса лойиҳалаштириш топшириғига асосан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги аҳолининг ёш бўйича тузилмаси D-иловада берилган.

Мактабгача таълим ва мактаб таълими муассасалари ҳажмларининг ҳисоб-китоблари бўйича мисол 6-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тартиб рақами	Қишлоқ аҳоли пунктларининг типлари	Мактабгача таълим муассасаси билан таъминланганлик даражаси, мактабгача ёшдаги болаларнинг қамраб олиншининг фоизи			
		Умумий	Соғломлашг ириш	Ихтисос-лашган	Жами
1	Йирик	50	8	2	60
2	Қатта	40-50	3-10	2-3	45-60
3	Ўртача	35-40	5-10	5-10	45-60
4	Кичик	25-30	5-10	5-10	35-50

Изоҳ: 1. Мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олинганлик фоизи маҳаллий шарт-шароитларга мувофиқ лойиҳалаштириш топшириғига кўра ўзгартирилиши мумкин.
2. Соғломлаштириш ва ихтисослашган мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлик даражаси соғлиқни сақлаш органлари томонидан аниқлаштирилади.

5- жадвал

т/р	Аҳоли пунктларининг номланиши	Ўқув муассасасининг номланиши	Бир сменада ўқитилганида қамраб олишнинг ҳисобланган кўрсаткичи, %	Ўқувчиларнинг тахминий жойлаштирилиши	1 ўқувчи учун ер участкасининг тахминий майдони, м ²
1	Аҳолиси 500 кишигача бўлган олис қишлоқлар	Бошланғич мактаб. Бошланғич мактаб билан ўқитувчининг уйи	100	9-45	60 плюс ўқитувчининг томорқа участкаси
2	Фермалар, ишлаб чиқариш объеклари қошидаги аҳоли пунктлари, 600-1000 киши	Жами: шу жумладан: бошланғич мактаб. асосий мактаб	100 100 100	139-225 54-90 85-145	60 60
3	Ёрдамчи қишлоқ аҳоли пунктлари, 1500-2500 киши	Жами: шу жумладан: бошланғич мактаб. асосий мактаб	100 100	406-676 134-222 216-360	60 50
4	Асосий марказий аҳоли пунктлари, 3000 киши ва ундан кўпроқ	Жами: шу жумладан: бошланғич мактаб. асосий мактаб	100 100	818 дан кўп 270 дан кўп 436 дан кўп	50 50
Изоҳ: Ўқув муассасаларининг ер участкалари муайян шарт-шароитларга қараб лойиҳалаштирилишига доир топишириққа кўра аниқлаштирилиши мумкин.					

№	Муассаса номи	Ҳисобланган муддат учун талаб қилинадиган ўринлар сони, киши					
		100-200	201-500	501-1000	1001-2000	2001-3000	3001-5000
A	Мактабгача таълим муассасалари						
1	Тарбиячининг уйи қошидаги боғча-ясли	8-16	16-40	—	—	—	—
2	Умумий типдаги боғча-ясли	—	—	40-98	98-196	196-293	293-480
3	Соғломлаштириш ёки ихтисослашган боғча-ясли	2-4	4-10	10-24	24-48	48-73	73-120
		↓ ↓ ↓ ↓ ↓ ↓					161-279
B	Ўқув муассасалари						
1	Ўқитувчининг уйи қошидаги бошланғич мактаб ёки боғча-ясли ва бошланғич мактабнинг бирлаштирилган биноси	9-18	18-45	—	—	—	—
		10-20	20-50	—	—	—	—
		9-18	18-45	—	—	—	—
2	Умумий типдаги бошланғич мактаб	—	—	45-90	90-180	180-270	270-450
3	Ривожланиш даражаси паст бўлган болалар учун махсус мактаб-интернат	Ҳисоб-китоб бўйича кишлоқ фуқаролари йиғинининг марказий аҳоли пунктида ёки туман марказида жойлаштирилади					
4	Қишлоқ хўжалигининг ихтисосликларига йўналтирилган асосий ўрта мактаб - 50%	7-14	14-36	36-73	73-145	145-218	218-363
		↓ ↓ ↓ ↓ ↓				130-268	
5	Хизмат кўрсатиш, қурилиш ва саноат ихтисосликларига йўналтирилган асосий ўрта мактаб - 48%	7-14	14-36	36-73	73-145	145-218	218-363
		↓ ↓ ↓ ↓ ↓				275-486	
6	Олий ўқув юртларига тайёрлаш дастурига эга интернат блокига бирлаштирилган асосий ўрта мактаб	4-8	8-19	19-38	38-75	75-112	112-188
		↓ ↓ ↓ ↓ ↓ ↓					256-440
<p>Изоҳлар: 1. Ривожланиш даражаси паст бўлган болалар учун махсус мактаб-интернатнинг сизими ўқув муассасаларидаги ўринларнинг умумий сонига киради.</p> <p>2. Соғломлаштириш типдаги болалар боғчалари сизими мактабгача таълим муассасаларидаги ўринларнинг умумий сонига киради.</p> <p>3. Ўқув муассасаларининг номенклатураси ва уларнинг касбий йўналтирилиши лойиҳалаштириши топиширигига ва Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари қарорларига кўра аниқлаштирилади.</p>							

Тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши

7.9. Соғлиқни сақлаш муассасаларини қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳоли яшайдиган ҳудудларида, санитария-гигиена шарт-шароитларига кўра энг қулай ер участкаларида, аҳолининг яшаш ва ишлаш жойларига максимал яқинлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

7.10. ҚФЙ нинг бутун аҳолиси тиббий ёрдам билан тўлиқ таъминланиши керак, туман марказида ёки вилоят марказида ёхуд шаҳар типигадаги йирик посёлкаларда жойлаштириладиган касалликларнинг турлари бўйича (юқумли, онкология ва ҳоказо) махсус касалхона ва клиникалар бундан мустасно.

7.11. ҚФЙ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилиши қуйидаги принципга кўра ташкил қилиниши лозим:

1) Касалликларни даволаш ва уларнинг профилактикасини ўз ичига оладиган кундалик тиббий хизмат кўрсатиш. Бундай муассасалар пиёда етиб борадиган узокликда, яъни деярли барча қишлоқ аҳоли пунктларида бўлиши лозим.

2) Енгил ва оғир касалликларнинг диагностикаси ва даволанишини ўз ичига оладиган даврий тиббий хизмат кўрсатиш. Бундай муассасалар аҳолиси 1000 кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида ва транспортда 30 дақиқа ичида етиб бориладиган тарзда жойлаштирилади, уларда ҳам катталар, ҳам болалар бўлимлари бўлиши керак.

3) Оғир ва сурункали хасталиклар билан оғриган касалларга эпизодик хизмат кўрсатилиши (юқумли, онкологик, сил ва шу каби касалликларни даволашга мўлжалланган ихтисослашган даволаш муассасалари). Бундай муассасалар туман ва вилоятлар марказларида ҳамда республика пойтахтида жойлаштирилади.

7.12. Тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамлари ШНҚ 2.07.01 га биноан ёки лойиҳалаштир топшириғига кўра қабул қилинади.

7.13. Аҳолиси 500 кишигача бўлган қишлоқларда тиббий пунктнинг шифокорнинг турар жой биносида жойлаштирилишига йўл қўйилади:

аҳолиси 1000 дан 2000 кишигача бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида кенг профилдаги тиббиёт ходимлари ва дорихонаси мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилади, олис қишлоқлар аҳолисига маслаҳатлар берилиши, уларни даволаш учун шу ерда ётқизилиши ҳам назарда тутилиши керак;

аҳолисининг умумий сони 3000 кишидан ортиқ бўлган аҳоли пунктлари гуруҳлари учун таркибида поликлиника, туғруқхона, лаборатория ва дорихона бўлган участка касалхоналарини назарда тутиш лозим;

болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҚФЙ ҳудудида иқлими ва табиий шароитларига кўра қулай зоналарда соғломлаштириш комплексларини, катта ёшдаги аҳоли учун эса дам олиш уйлари ва профилакторийларни назарда тутиш лозим;

асосий қишлоқ аҳоли пунктларида далада ишлайдиган аҳоли ўсимликшунослик, боғдорчилик, чорвачилик ва муҳандислик инфратузилмаси ходимларига ҳам профилактик, ҳам тез ёрдам кўрсата оладиган “мобил тиббий пунктлар” ташкил қилиниши назарда тутилиши керак.

ҚФЙ худудида ветеринария хизматини, ҳар бир чорвачилик корхонаси қошида лаборатория ва дорихонаси бўлган ветеринария шифохонасини назарда тутиш лозим.

Тиббий муассасаларнинг аҳоли сонига боғлиқ равишда тавсия этиладиган номенклатураси 7-жадвалда келтирилган.

Тиббиёт муассасаларини лойиҳалаштириш СанҚваМ №0292 га мувофиқ бўлиши лозим.

7-жадвал

100-200 киши	201-500 киши	501-1000 киши	1001-2000 киши	2001-3000 киши	3001-5000 киши
Шифокор (фельдшер) истиқомат қиладиган уй қошидаги дорихона дўкончаси бўлган тиббий пункт	Маҳалла маркази қошидаги дорихона пункти бўлган тиббий пункт ёки шифокор истиқомат қиладиган уй қошидаги дорихона дўкончаси бўлган тиббий пункт	Дорихонаси ва лабораторияси бўлган қишлоқ врачлик пункти	Стационари, лабораторияси ва дорихонаси бўлган қишлоқ врачлик пункти	Даволаш-профилактика маркази, шу жумладан профилакторий VII - VIII тоифали дорихона Тиббий тез ёрдам станцияси	
1-2 та қабул	2-6 та қабул	7-13 та қабул	13-26 та қабул	Бир сменада 100-125 кишини қабул қиладиган ва диагностика маркази мавжуд кўп профили поликлинника	
2-3 ўринли	7-8 ўринли	8-14 ўринли	15-28 ўринли	80-140 койкали туғруқхона бўлимига эга участка касалхонаси 500 порцияга мўлжалланган болалар учун сут ошхонаси	

Маданий-маърифий ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилиши

7.14. ҚФЙ аҳолисига маданий-маърифий ва савдо-маиший хизматларни кўрсатувчи корхоналар ва муассасалар тармоғининг жойлаштирилиши мавжуд объектларнинг бу каби объектларга эҳтиёжни ҳисобга олиб туриб қилинган таҳлили асосида, ўзига хос миллий хусусиятлар ва қарор топган анъаналарни инобатга олган ҳолда ҳал қилиниши лозим. Қишлоқ аҳоли пунктларида яшайдиган аҳоли сонидан қатъи назар аҳолини бундай хизматлар билан тўлиқ қамраб олиниши, шунингдек ШНҚ 2.07.02 талабларига мувофиқ ногиронлар учун шарт-шароитлар яратилиши керак. Хизмат кўрсатиш корхоналари пиёда ва транспортда етиб бориш мумкин бўлган радиус чегарасида 8-жадвалга биноан жойлаштирилиши керак.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил этиш учун стационар бинолардан ташқари кўчма воситаларни ва мавсумий фойдаланиладиган иншоотларни ҳам назарда тутиш ва улар учун тегишли майдонларни ажратиш зарур.

8-жадвал

т/р	Муассасалар	Хизмат кўрсатиш радиуслари
1.	Мактабгача таълим муассасалари (боғча-ясилар)	Ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктининг 30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида, 500-750 м
2.	Бошланғич мактаблар	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида, (имкон қадар болалар боғчалари-ясилари билан бирга), 500-750 м
3.	Асосий мактаблар	30 дақиқа ичида транспортда етиб олиш мумкин бўлган жойида, 750-2000 м
4.	Спорт иншоотлари: - текис майдондаги - спорт заллари - спорт комплекслари	Ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида Мактаблар қошида қишлоқ аҳоли пунктларининг гуруҳи ёки ҚФЙ ҳудуди учун 30 дақиқа ичида транспортда етиб олиш мумкин бўлган жойида
5.	Савдо корхоналари: - энг зарур моллар сотиладиган - шу каби, танлаб олинадиган эҳтиёжларни қондирадиган Умумий овқатланиш корхоналари	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида, 300-750 м 60-120 дақиқа ичида транспортда етиб олиш мумкин бўлган жойида 20 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида
6.	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида
7.	Клублар	60 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида
8.	Бошқарув органлари	Катта ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларида
9.	Алоқа корхоналари	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойида

10.	Тиббиёт муассасалари: - тиббий пункт, қишлоқ врачлик пункти - дорихонаси мавжуд участка касалхонаси	ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида 30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда 30-60 дақиқа ичида транспортда етиб олиш мумкин бўлган жойда
<p>Изоҳлар:</p> <p>1. Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини лойиҳалаштиришида тегишли мақсаддаги муассасалар ва корхоналар қошидаги манзилгоҳлараро хизмат кўрсатиш марказларида турадиган кўчиб юриш воситаларининг кенг ривожлантирилишини назарда тутиш зарур.</p> <p>2. Хизмат кўрсатишнинг истиқболдаги тизимини лойиҳалаштиришида жойлаштириш тизимидаги ҳар бир аҳоли пункти ушбу ҚФЙ аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича ягона тизимнинг таркибий бўғини бўлишига эришиш муҳимдир.</p>		

7.15. Хизмат кўрсатиш тармоғини лойиҳалаштириш қуйидаги тизимга кўра бажарилиши лозим:

1) кундалик хизмат кўрсатиш (маҳалла маркази, дўкон, чойхона, сартарошхона, кийим-кечак ва пойафзалларни таъмирлаш, дорихона, дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш масканлари ва ҳоказолар).

Бундай муассасалар пиёда етиб олиш доирасида бўлиши ва, фақат сийрак жойлаштириш тизими мавжуд бўлган ҳоллардагина, транспортда 30 дақиқа ичида етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилишига йўл кўйилади. Хизмат кўрсатишнинг I-босқичли объектлари 9-жадвалда келтирилган.

2) даврий, вақти-вақти билан хизмат кўрсатиш. Бундай объектлар (маданият уйлари, дам олиш марказлари, универмаг, бозорлар, ресторанлар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, кимёвий тозалаш пунктлари, кир ювиш пунктлари, ҳаммомлар ва бошқалар) катта ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилади.

9-жадвал

т/р	Муассасаларнинг номланиши	Хизмат кўрсатиш радиуси, м
1.	Маҳалла маркази А. Маҳалла кўмитаси идораси Б. Дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти учун хоналар (видеозал, ўйин автоматлари)	300-500 300-500
2.	Чойхона	500-700
3.	Сартарошхона	500-700
4.	Пойафзал таъмирлаш пункти	600-750
5.	Дорихона дўкончаси	500-700
6.	Озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони	500-700
7.	Мавсумий савдо учун шийпон (бозорча)	500-700

3) чекланган, танлаб олинган хизматларни кўрсатувчи объектлар туманлар, вилоятлар марказларида ва Республика пойтахтида жойлаштирилади. Улар сирасига қуйидагилар киради: театрлар, кино-концерт заллари, цирклар, музейлар, лекторийлар, кўргазма заллари, универсал спорт

мажмуалари, йирик савдо комплекслари, олий (люкс) тоифадаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва шу кабилар.

7.16. Савдо объектларини ҚФЙ ёки қишлоқ хўжалик корхонасининг барча қишлоқ аҳоли пунктларидаги бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда товарларни тақсимланишига қараб жойлаштириш лозим.

7.17. Умумий овқатланиш объектларини аҳолининг реал эҳтиёж-ларини ҳисоб олган ҳолда икки асосий гуруҳ бўйича лойиҳалаштириш керак:

оммавий хизмат кўрсатиш корхоналари (аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун мўл-жалланади ва ҳар бир аҳоли пунктида 5-10 дақиқада пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилади). Улар мулкчилик шакллари бўйича давлатга қарашли, ширкат ва хусусий корхоналар бўлиши мумкин;

танлаб хизмат кўрсатиладиган корхоналар (нафақат овқатланиш, балки дам олиш ва кўнгил очиш учун мўлжалланади - ресторанлар, барлар, кафе ва бошқалар).

7.18. Коммунал ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари ҳар бир аҳоли пунктидаги аҳолини энг зарур хизматлар билан таъминлашни ҳисобга олиб 30 дақиқада пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилади.

Аҳоли сони кам бўлган (1000 кишигача) қишлоқларда маиший хизматларни уйлар қошида (этикдўз, тикувчи, маиший асбобларни таъмирлаш бўйича уста ва шу кабиларнинг уйларида) ёки маҳалла марказида (маиший хизматлар блоки) ташкил этилиши тавсия қилинади. Маиший хизматлар блокини бошқа муассасалар (савдо объектлари, меҳмонхона, ҳаммом ва шу кабилар) билан бирлаштириш ҳам мумкин.

Хизмат кўрсатишнинг юқорида даражасидаги объектлар билан таъминлаш аҳоли пунктларининг гуруҳлари учун назарда тутилиши лозим.

Ўт ўчирувчилар депосини ШНҚ 2.07.01 нинг 30-жадвалига мувофиқ ҳисоблаган ҳолда ташкил қилиш лозим. Ўт ўчирувчилари депосини хизмат кўрсатиш радиуси – 3 км, агар радиус каттароқ бўлса, у ҳолда 1 та автомашинага мўлжалланган ўт ўчириш постини ташкил қилиш кўзда тутилиши лозим.

ҚФЙ аҳолисига рекреацион хизмат кўрсатиш

7.19. Рекреацион хизмат кўрсатиш тизимининг ривожлантирилишини аҳоли пунктларини режалаштириш тузилмаси, дам олиш ҳудудини функционал зоналаштириш ва меъморий-режавий ташкиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга асосланган ҳолда назарда тутиш лозим.

7.20. Рекреацион хизмат кўрсатиш тизимига кирувчи объектлар, вазибалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги объектларга бўлиниши керак:

кундалик хизмат кўрсатиш объектлари;

болалар учун ўйин майдончалари, катта ёшдаги аҳоли дам олиши учун майдончалар, маҳалла марказлари участкалари, посёлка парклари, хиёбонлари, шунингдек, дарёлар, табиий ва сунъий сув ҳавзалари ёнидаги пляжлар. Бундай объектлар аҳоли пиёда (30 дақиқача) етиб олиши мумкин бўлган радиусда жойлаштирилади. Рекреацион участкаларнинг ўлчамлари ШНҚ 2.07.01 нинг 15-жадвалига асосан белгиланади;

ҳафта охирида даврий равиш-даги қисқа муддатли (1-2 кун) дам олиш. Бундай дам олиш турини ташкил қилиш учун табиий ёки сунъий барпо этиладиган ва табиий компонентларга (сув, яшил ўсимликлар, рельеф, юксак эстетик хусусиятларга) бой бўлган, аҳоли пунктидан транспортда 1-1,5 соат ичида етиб олиш мумкин бўлган махсус ҳудудлар ажратилиши лозим; қисқа муддатли дам олиш тизимини ишлаб чиқишда дам олиш муассасаларида аҳолининг камида 42% ўринлар билан таъминланиши ҳисобга олиниши зарур;

катта ёшдаги аҳолининг ҳар йилги меҳнат таътили ва мактаб ёшидаги болаларнинг ёзги таътиллари вақтида эпизодик, узоқ муддатли дам олиши учун мўлжалланган дам олиш масканлари – санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар, мотеллар, болаларнинг соғломлаштириш муассасалари, болалар муассасаларининг ёзги боғ ҳовлилари.

ҚФЙ ҳудудида тавсифномаси туманларни режалаштириш лойиҳасида кўрсатиладиган туман, вилоят ёки республика аҳамиятига эга қимматли рекреацион ресурслар мавжуд бўлса, улардан мазкур ҚФЙ ҳудудида яшайдиган аҳолининг дам олиши учун фойдаланиш имкониятини белгилаш зарур.

7.21. Спорт бинолари ва иншоотлари тармоғи жисмоний тарбия талабларини қондириш учун зарур бўлган ҳажмда, ҚФЙнинг бутун аҳолисига қуйидагича принципга кўра хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиб туриб лойиҳалаштирилиши лозим:

ҳар куни спорт билан шуғулланиш учун

мактаб ўқувчилари ва катта ёшдаги аҳоли спорт ўйинлари ва машғулотлари билан шуғулланиши учун мўлжалланган майдончалар, улар 5-10 дақиқа ичида пиёда етиб олиш радиусида (турар жой гуруҳлари ичида, мактаб қошида, маҳалла маркази ёнидаги рекреацион мажмуада) жойлаштирилиши керак.

катта ёшдаги аҳоли ва болаларнинг мустақил ва мураббий раҳбарлигида умумий жисмоний тайёргарлик гуруҳлари (саломатлик гуруҳлари)да ва спорт секцияларида мунтазам равишда шуғулланиш учун.

тизимли тарздаги машғулотлар учун мўлжалланган спорт маркази 30 дақиқа ичида пиёда етиб бориш радиусида жойлаштирилиши лозим.

Спорт иншоотларини лойиҳалаштиришда улардан кўп мақсадларда фойдаланиш принципига асосланиш зарур.

Маъмурий муассасалар ва жамоатчилик ташкилотлари

7.22. Маъмурий бинолар, молия, алоқа муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, жамоат тартиби бўлинмалари, қишлоқ кенгашлари (диний муассасалар бундан мустасно) қишлоқ аҳоли пунктнинг ижтимоий маркази ҳудудида жойлаштирилиши ва маъмурий-ижтимоий хизматлар тўлиқ ҳажмда кўрсатилишини таъминлаши керак.

Бинолар имкони борича бирлаштирилиши керак.

Жойлаштиришнинг ҳажми ва манзили ҳар бир муайян ҳолат учун лойиҳалаштириш топшириғига биноан белгиланади.

Бинолар ва муассасаларнинг тавсия қилинадиган рўйхати, уларнинг сифими ва ҚФЙнинг аҳоли пунктлари бўйича жойлаштирилиши 10 – 13-жадвалларда келтирилган.

10-жадвал

т/р	Объектларнинг номланиши	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		100-200	201-500
1	Маҳалла маркази, ш.ж.	1 объект	1 объект
	- маъмурий хона,	48 м ²	60 м ²
	- универсал зал (спорт; тантанали тадбирлар; рақс майдончаси),	50/100-70/100 киши/м ²	100/150-150/150 киши/м ²
	- чойхона,	6-8 ўринли	10-15 ўринли
	- новвойхона,	24 м ²	24 м ²
2	Кундалик эҳтиёж товарлари сотиладиган дўкони бўлган турар жой биноси	12-15 м ² - савдо зали (12-15 м ² - омборхона)	12-15 м ² - савдо зали (12-15 м ² - омборхона)
3	Тиббий пункти бўлган турар жой биноси		
	- кенг профилли терапевт (фельдшер);	60 м ² +12 м ²	60 м ² +12 м ²
	- патронаж ҳамшираси;	24 м ²	24 м ²
	- тиш шифокори;	24 м ²	24 м ²
	- акушер-гинеколог;	24 м ²	24 м ²
	- лаборатория	24 м ²	24 м ²
3	Маиший хизматлар блоки бўлган турар жой биноси:		
	Саргарошхона;		36 м ²
	Пойафзал таъмирлаш устахонаси		36 м ²

11-жадвал

т/р	Объектларнинг номланиши	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		501-1000	1001-1500
1	Қуйидагиларни ўз ичига олган маданий-маъмурий марказ: а) маъмурий хоналар; б) универсал зал; в) чойхона, новвойхона ва қандолат цехи билан г) кундалик эҳтиёжлар дўкони	78 м ² 150-200 ўринли 20-25 ўринли 72 м ² 20-25 м ²	
2	Қишлоқ аҳоли пунктнинг дам олиш уйи, шу жумладан - универсал меҳмонхона - универсал тўгаракхона - фахрийлар хонаси - кутубхона, ўқиш хонаси билан - видеозал, - биллиардхона		72 м ² 72 м ² 36 м ² 72 м 54м ² 54м ²
3	Медпункт с аптекой Тиббий пункт, дорихонаси билан 2-вариант - фельдшер хонадони қошидаги тиббий пункт	ҳисоб-китоб бўйича топширикқа кўра	ҳисоб-китоб бўйича топширикқа кўра
4	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	3-4 турдаги хизматлар	5-7 турдаги хизматлар
5	Ҳаммом, сартарошхонаси билан (вариант - уй қошида)	5 нафар ташриф буюрувчи	10 нафар ташриф буюрувчи
6	Қурама савдо дўконлари - савдо пунктлари	15-20м ² , уй қошидаги савдо пункти	супермаркет 54-72 м ²

12-жадвал

т/р	Объектларнинг номланиши	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		1501-2000	2001-3000
1	Маҳалла қўмитасининг маъмурий биноси	Битта бино	
2	Маданий-қўнғил очиш маркази, шу жумладан: а) Тўғарақлар; б) Томоша зали – универсал в) Кутубхона, ўқиш зали билан	4-5 хона 200-300 ўринли 2000-5000 жилд	10 ўрингача 600-700 ўринли 5000-10000 жилд
3	Маҳалла маркази	500-1000 киши учун 1 та	
4	Қишлоқ врачлик пункти, шу жумладан: а) поликлиника; б) стационар; в) дорихона; г) профилактика	лойиҳалаш топшириғига кўра	
5	Торговий центр: магазин промышленных товаров, супермаркет (возможны индивидуальные павильоны). Савдо маркази: Саноат моллари савдо маркази, ҳамма турдаги хизматлар кўрсатиладиган супермаркет (якка тартибда хизмат кўрсатадиган павильонлари ҳам бўлиши мумкин)	Умумий талаб қилинадиган савдо майдони 600 800	
6	Чойхона обинон новвойхонаси, сомсапазлик цехи ва буюртмалар қабул қиладиган пункти билан	100 ўринлик чойхона цех 100 м ²	200 ўринликкача бўлган чойхона цех 100 м ²
7	Ҳамма турдаги хизматлар кўрсатиладиган маиший хизмат кўрсатиш уйи	25-30 ўринлик	35 ўринликкача
8	Олисдан келганлар яшайдиган уйи бўлган бозор	20-25 та савдо ўрни 10-15 та ўрин	30 тагача савдо ўрни 15 тагача савдо ўрни
9	Спорт иншоотлари: стадион, бассейн, спорт зали	ўртача, ядро 10x20 м ² 12x24 м ² барча ёрдамчи хизматлар билан)	
10	Кичик посёлкалар билан диспетчерлик алоқасига эга ёғинга қарши кураш депоси	1 машина	2 машинагача
11	Кичик посёлкаларга ҳам чиқиб келиш имкониятига эга болаларнинг сут ошхонаси	бир суткада 200-250 порция	бир суткада 300 порциягача

13-жадвал

т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		3001-5000	5000 ва ундан кўп
1.	Маъмурий марказ. маданий-маърифий марказ билан бирлаштирилиши ҳам мумкин	идора, 700 ўринлик универсал зал, 20 кишининг ташриф буюришига мўлжалланган тўғараклар хоналари	идора, универсал зал, тўғараклар хоналари блоки, жамоатчилик ташкilotлари блоки, спорт блоки.
2.	Тиббий-соғломлаштириш маркази: диагностика поликлиникаси; касалхона дорихона	200 кишининг ташриф буюришига мўлжалланган 35 койка топшириққа кўра	200 кишининг ташриф буюришига мўлжалланган 40-50 койка
	Кичик посёлкаларга ҳам чиқиб келиш имкониятига эга болаларнинг сут ошхонаси Поликлиника қошидаги узокдан келганлар учун маслаҳатчилик хизмати ҳам бўлган даволаш- соғломлаштириш блоки Туғруқхона	бир суткада 500 порция 100 киши 50 ўрин	бир суткада 500 порция 200 киши 50 ўрин
3.	Савдо маркази: озиқ-овқат моллари саноат моллари супермаркет чойхона қаҳвахона қандолатчилик маҳсулотларига буюртма бериш пункти, обинон, сомса	400 м ² 100 м ² 100 м ² 250 ўринлик 50-75 ўринлик 200 м ²	500 м ² 100 м ² 100 м ² 300 ўринлик 100-150 ўринлик 200 м ²
4.	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	35 ишчи ўринлик	35 ишчи ўринлик
5.	Олисдан келганлар яшайдиган уйи бўлган бозор	100/40 та савдо ўрни	150/50 та савдо ўрни
6.	Миллий типдаги ҳаммом, сартарошхона, уқалаш хизмати, даволаш хоналари билан	бир сменада 15-20 киши	бир сменада 20-25 киши
7.	Спорт иншоотлари	спорт комплекси	спорт комплекси
8.	Кичик посёлкалар билан диспетчерлик алоқасига эга ёнқинга қарши кураш депоси	2 машина	2 машина
<i>Изоҳ: Тавсия қилинадиган объектлар рўйхати ва уларнинг жойлаштирилиши лойиҳалаштиришига доир топшириққа кўра аниқлаштирилиши мумкин.</i>			

8. ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ ТРАНСПОРТ АЛОҚАЛАРИ

8.1. қишлоқ хўжалик корхонаси ичидаги транспорт алоқаларини жойлаштиришнинг умумий тизимида энг кам вақт ва иқтисодий харажатлар сарфлаб юкларни ва йўловчиларни ташишни таъминлайдиган ягона тизим сифатида лойиҳалаштириш керак бўлади.

8.2. Йўл тармоғининг лойиҳалаштирилиши йўлтранспорт тармоғининг ҳозирги аҳволи ва хўжалик ичида транспорт алоқаларининг ташкил этилишини ҳисобга олиб амалга оширилиши лозим.

8.3. Хўжалик ичидаги йўллар уларнинг функционал мақсадига қараб аниқ табақалаштирилган бўлиши керак.

қишлоқ хўжалик техникасини ўтказишга мўлжалланган йўллар селитеб ҳудудлар чеккасидан лойиҳалаштирилиши лозим.

8.4. ҚМРТ лойиҳасида йўллар қурилишининг навбатлилигини уни хўжалик ҳудудидаги бошқа реконструкциялаш тадбирлари навбатлилиги билан уйғунлаштирган тарзда назарда тутиш лозим.

Транспорт тармоғини қуриш ва реконструкциялаш юзасидан мўлжалланган ишларнинг навбатлилиги хўжаликда мўлжалланаётган ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг навбатлилиги ва жойлаштириш тизимини яхшилашга доир тадбирлар билан уйғунлаштирилиши керак.

8.5. Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан четга чиқиб кетадиган трассалар аралаш хўжаликлар транспорт тизимлари билан уйғунлаштирилиши лозим.

Йўл тармоғи амалдаги меъерий ҳужжатларга мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак. Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш бўйича асосий техник меъёрлар 14-жадвалда келтирилган.

Қишлоқ поселкаларидаги кўчалар ва йўлларнинг ҳисоб-китоб параметрлари 15-жадвалда келтирилган.

8.6. Яшаш жойидан меҳнат қиладиган жойгача етиб олиш учун сарфланадиган вақт 30 минутдан ошмаслиги керак.

8.7. I, II ва III классдаги умумий тармоқ автомобиль йўллари, одатда, поселкаларни четлаб ўтадиган қилиб лойиҳалаштирилади. Йўлнинг тупроқли чети билан уй-жой иморати ўртасидаги масофа 100 м лик (I ва II классдаги йўллар) ва 50 м лик (III классдаги йўллар) қилиб қабул қилиниши лозим.

8.8. Кўчалар ва йўллар тоифаларини ҳаракатнинг интенсивлиги, тезлиги, шунингдек, функционал мақсадига қараб қабул қилиш керак. Тупроқли қатлам ва йўлга тўшамаларни ШНК 2.05.02 га биноан лойиҳалаштириш зарур

Йўллар меъёрлари ва элементлари номи	Ўлчов бирлиги	Қишлоқ хўжалигидаги автомобиль йўллари гуруҳлари	
		туманларники	хўжалик ичидаги
Ҳаракатнинг ҳисоб-китобдаги интенсивлиги	авт/сут.	100 гача	—
Ҳисоб-китобдаги тезлик	км/соат	80 – 40	40
Тупроқли қатламнинг кенглиги	м	10-6,5	8 – 6
Автомобиллар юрадиган қисмнинг кенглиги *)	м	6-4,5	4,5-3,5
Бўйламасига энг кўп оқишиш	%	90-110	100-120
Режада тавсия қилинадиган эгриликлар асосий энг ками		1000 60 – 30	300 30 – 20
Йўлнинг тўшамаси	—	маҳаллий материаллардан	маҳаллий материаллардан
қопламалар типлари **)	—	такомиллаш- тирилган енгиллаштирилган ва ўтказмалли	ўтказмалли ва энг пасткилари
Иншоотлар типлари	—	капитал ва вақтинчалик	вақтинчалик ва капитал кечувлар, лотоклар
Кўприклар габаритлари	—	Г – 7, Г – 6	Г – 6, Г – 4,5
Кўприклар учун ҳисоб-китобдаги юклар	—	Н-10 га НГ-60 Н-8 га НГ-30	Н-10 га НГ-60 Н-8 га НГ-30

Изоҳлар:

*) қишлоқдаги йўлларнинг автомобиллар юрадиган қисми,
одатда, йўлнинг ўқиға нисбатан симметрик жойлашади. Ҳаракат таркибида гусеницали
машиналар бўлган тақдирда, шунингдек, қорамолларни олиб ўтиши зарур бўлганида юриладиган
қисмни йўлнинг ўқиға нисбатан носимметрик жойлаштириши керак бўлади, бунда йўлнинг бир
ёқаси 1-2 млик кенликка, бошқаси эса 3,5-4,5 млик кенликка эга бўлади ва гусеницали
машиналарнинг юриши ва қорамолларни олиб ўтиши учун хизмат қилади.

**) Такомиллаштирилган енгиллаштирилган қопламалар:

а) органи боғловчи материаллар шимдирилган (шимдириши усули билан шиллов берилган шагал
ва ҳар қандай тошли ёки боғловчи материаллар билан яхшиланган тупроқли қатлам устиға
ётқизилган шагал қатлами);

б) қора шагалли қопламалар;

в) тупроқ ва асфальтли қопламалар;

г) клинкерли тўшамалар;

д) йўл қопламаларига устидан шиллов бериши

15-жадвал

Қишлоқдаги кўчалар ва йўллар тоифалари	Асосий мақсади	Ҳаракатнинг ҳисоб-китобдаги тезлиги, км/с	Ҳаракат йўлининг кенглиги, м	Ҳаракат йўллари сони	Трогуарнинг пиёдалар юрадиган қисми кенглиги, м
Посёлка йўли	қишлоқ посёлкасининг умумий тармоқдаги ташқи йўллар билан боғланиши	60	3,5	2	—
Асосий кўча	Тураржой ҳудудларининг жамоатчилик маркази билан боланиши	40	3,5	2-3	1,5-2,25
Уй-жойлар қурилган жойдаги кўча	Уй-жой ҳудудлари ичидаги ва асосий кўча билан интенсив ҳаракатли йўналишларга эга боғланиш	40	3,0	2,0	1,5-1,5
асосий иккинчи даражали	Асосий уй-жойлар кўчалари ўртасидаги боғланиш	30	2,75	2	1,0
ўтиладиган йўл	Квартал тўрида жойлашган тураржой уйларининг кўча билан боғланиши	20	2,75-3,0	1	0-1,0
Хўжалик йўли, қорамоллар олиб ўтиладиган йўл	Шахсий қорамолларнинг олиб ўтилиши ва юк транспортининг томорқа участкаларига бориши	30	3,0	1	—

9. МУҲАНДИСЛИК УСКУНАЛАРИ

9.1. Аҳоли сони, иқлим, геологик ва бошқа шарт-шароитлардан қатъи назар ҳамма посёлкаларда зарур санитария-гигиена шарт-шароитларини, аҳолининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун юксак даражадаги қулайликларни таъминлайдиган муҳандислик ускуналари ва ободонлаштиришни назарда тутиш лозим.

9.2. Муҳандислик коммуникацияларининг жойлаштирилишида қуйидагиларни таъминлаши керак:

ер устидаги ва ер остидаги кенгликдан оқилона фойдаланиш;

муҳандислик тармоқлари қурилишининг энг кам қийматли бўлиши, сақланиши ва ишончли амал қилиши, улардан фойдаланишнинг қулайлиги ва хавфсизлиги;

транспорт ҳаракати учун тўсқинликларнинг жуда кам бўлиши, йўл қопламалари, яшил экинзорларнинг сақланиши, аҳоли турмуши учун нормал шарт-шароитлар.

9.3. Сув таъминоти, иссиқлик билан таъминлаш, алоқа ва газ таъминоти манбалари ва бошқаларнинг танланиши белгиланган муддатларда ҳисоб-китобдаги миқдордаги сув, иссиқлик энергияси, газ ва шу кабиларнинг олиниши мумкинлигини тасдиқлайдиган ташкилотлар билан келишилиши лозим.

Етиб бориш қийин бўлган туманларда (тоғларда, чўлларда жойлашган, яйловлардаги чорвачилик ва шу кабилар) жойлашган кичик аҳоли пунктларида (100-500 киши) муҳандислик таъминотининг локал тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Бундай аҳоли пунктларида фавқулодда ҳоллардагина олиб келинадиган сув билан таъминлашга, иссиқ сув билан таъминлаш учун эса қуёш энергиясидан фойдаланишга йўл қўйилади.

9.4. Муҳандислик таъминоти тизимларининг ҳисоб-китоби, шу жумладан, манбаларнинг танланиши тегишли тизимларни лойиҳалаштириш бўйича ШНКнинг боблари талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Сув таъминоти ва канализация

9.5. Сув таъминоти тизимларининг ҳисоб-китоби, сув олинадиган иншоотларнинг жойлаштирилиши, шунингдек, ҳисоб-китобдаги сув сарф-харажатлари, шу жумладан, ёнғинга қарши кураш эҳтиёжлари учун сув харажатининг белгиланиши сув таъминотининг ташқаридаги тармоқлари ва иншоотларини лойиҳалаштириш бўйича ШНКнинг боби талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. ШНК 2.04.02.

9.6. ҲМРТ лойиҳасида сув таъминоти ва канализациянинг истеъмолчиларнинг сифатли ичимлик суви билан таъминланиши ва манбаларнинг оқова сувлар билан ифлосланишининг олдини олиш

зарурлигини ҳисобга оладиган масалаларининг биргаликда ишлаб чиқилиши мажбурий шарт ҳисобланади.

9.7. Йирик аҳоли пунктлари ва ишлаб чиқариш объектлари сув таъминоти ва канализациянинг марказлаштирилган тизимларига эга бўлиши лозим.

Кичик аҳоли пунктлари, шунингдек, алоҳида жойлашган чорвачилик фермалари, ёзги лагерлар, қўйчилик фермалари, қорамоллар сақланадиган жойлар ва шу қабилар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш ва бошқа мақсадлар учун очиқ сув манбаларидан фойдаланган ҳолдаги ичимлик ва ишлаб чиқариш сув таъминотининг алоҳида тизимларига эга бўлиши мумкин.

9.8. Сувни тозалаш станциялари, канализациянинг тозаловчи иншоотлари учун ер участкаларининг майдонлари ШНҚ 2.04.02 га мувофиқ қабул қилиниши керак, канализациянинг тозаловчи иншоотлари учун эса ШНҚ 2.04.03 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

9.9. Лойиҳада қишлоқ хўжалик корхонаси доирасидаги ер ости ва ер устидаги сув ресурсларини, уларга боғланиб турган ҳудудларни аниқлаш ва посёлкалар, ишлаб чиқариш ва чорвачилик объектларининг сув билан таъминланиши, шунингдек, ерларни суғориш, ерларга сув чиқариш ва ерларнинг захини қочириш учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир техник тадбирларни белгилаш мақсадида сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш масалаларини сувдан фойдаланувчилар томонидан сув ресурсларига қўйиладиган талабларни ҳисобга олиб ҳал қилиш зарур.

Сув хўжалигини ташкил этиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ер устидаги ва ер остидаги сувларнинг ифлосланиш ҳамда захираларнинг қуриб қолишидан ҳимоя қилишни назарда тутиши лозим.

Электр энергияси таъминоти

9.10. Қишлоқ хўжалик корхонасини электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси қуйидаги масалаларни ҳал этиши зарур:

қишлоқ хўжалик корхонаси доирасидаги барча электр энергиясини истеъмол қилувчиларни электр энергияси билан таъминлаш манбаларининг эҳтиёжга доир қувватларини белгилаш;

таянч таъминловчи подстанциялар жойлаштириладиган жойларни белгилаш, бундай подстанцияларни электр энергияси энг кўп тўпланадиган марказларда электр узатиш линияларини олиб келиш қулайлигини ҳисобга олиб жойлаштириш лозим бўлади.

9.11. Юқори кучланишли электр тармоқлари ҳаводан тортиб олиб келиниши назарда тутилиши керак. қўрғонлар, фермалар ва бошқа ишлаб чиқариш марказлари ҳудудидаги паст кучланишли электр энергиясини тақсимловчи тармоқлар ҳам ҳаводан тортиб олиб келиниши назарда тутилиши лозим, айрим ҳоллардагина (мактаблар, болалар боғчалари) кабелли тармоқлар назарда тутилиши мумкин.

9.12. Электр таъминоти манбаларининг эҳтиёжга доир қувватларини белгилаш хўжалиқдаги барча электр энергияси истеъмолчиларининг жойлашган жойларини ҳисобга олиб уларга тўғри келадиган электр энергияси қувватларини ҳисоблаш натижалари асосида амалга оширилиши зарур.

Айрим истеъмолчиларнинг электр энергияси қувватларининг йириклаштирилган меъёрлари 16 ва 17-жадвалларда келтирилган.

16-жадвал

т/р	Ишлаб чиқариш тармоғи	кўрсаткич	талаб қилинадиган қувват, кВт
1.	Туларжой, жамоатчилик ва коммунал бинолар	бир яшовчи учун	0,08
2.	Қорамоллар боғланмасдан боқиладиган йирик қорамолчилик фермаси а) сут олинадиган йўналишли б) гўшт олинадиган йўналишли	200 бош 200 бош	20,0 4,0
3.	Паррандачилик фермалари а) тухум чиқарадиган товуғлар б) ғозлар, ўрдақлар, куркалар	10000 бош 500 бош 1000 бош 2000 бош 5000 бош 10000 бош 100000 бош	60,0 3,5 7,0 32,0 75,0 140,0 500,0
4.	Паррандалар сўйиш ва қайта ишлаш цехлари	100000 бош	35,0
5.	Тупроқ билан ҳимояланган иншоотлар: а) қишки ёритиб қўйиладиган иссиқхоналар б) қишки ёритиб қўйилмайдиган иссиқхоналар в) баҳорги иссиқхоналар г) электр энергияси билан иситиладиган парниклар	1000 м ² 1000 м ² 1000 м ² 2000 рам	36,0 6,2 6,2 300,0
6.	Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини сақлайдиган корхоналар а) сабзавот омборлари б) дон омборлари ва элеватор механизмлари в) мева-чева омборлари	1000 тонна 1000 тонна 100 тонн	15,0 20,0 3,0

**Тахминий талаб қилинадиган қувват, бир йиллик харажат,
подстанцияларнинг қуввати ва сони**

17-жадвал

№	Номи	Аҳоли сони куйидагича бўлганида микдори							
		100-200	300-500	600-800	1000-1500	1500-2500	3000-гача	3500-3500	3500-5000
1	Электр энергиясининг талабаб қилинадиган, кВт	160/ 170 (165/ 175)	200/ 225 (210/ 240)	310/ 345 (335/ 376)	510/ 590 (560/ 650)	950/ 975 (1035/ 11110)	1250 (1490)	1550/ 1580 (1780/ 1800)	2250/ 2350 (2530/ 2740)
2	Электр энергиясининг бир йиллик сарфи, минг кВт*с	400 (403)	530 (566)	900 (979)	1535 (1690)	2535 (2886)	3250 (3874)	4108 (4836)	6110 (7124)
3	Трансформатор подстанциялар ининг тахминий қуввати ва тили								
	КТП-40			- (1)	1 (1)	2 (3)			
	КТП-63	1 (1)	2 (2)	2 (2)	- (1)	1 (1)		3 (4)	2 (2)
	КТП-100	1 (1)	1 (1)		2 (2)	- (1)	2 (2)	3 (3)	2 (2)
	КТП-160			1 (1)	2 (2)	2 (2)	2 (2)	4 (4)	2 (4)
	КТП-250					2 (2)	3 (4)	- (1)	2 (2)
	К-42-630 М5 трансформатор-лари билан								
	2х250							1 (1)	1 (1)
	2х400								1 (1)
<i>Изоҳ: келтирилган маълумотлар тахминийдир; муайян лойихалаштирилмаган объектда маълумотлар аниқлаштирилади. Қавс ичидаги маълумотлар газлаштирилмаган посёлкалар учун келтирилган.</i>									

9.13. Бориш қийин бўлган туманларда ва яйловларда жойлашган аҳолиси 100-500 кишидан иборат бўлган посёлкалар учун давлатнинг электр энергияси билан таъминлаш тизимлари бўлмаган ҳолларда дизель электр станциялари ва шамол энергиясидан фойдаланиш йўли билан локал электр таъминоти манбаларини қўллашга йўл қўйилади.

9.14. қишлоқ посёлкаларининг селитеб худудларини ва умумий тармоқдаги автомобиль йўлларининг ташқаридан ёритилишини лойиҳалаш ШНҚ 2.01.05, ШНҚ 2.04.18 ва ШНҚ 2.04.17 га мувофиқ амалга оширилиши керак. Қишлоқ хўжалик объектлари учун электр тармоқларининг лойиҳалаш Электр ускуналарининг тузилиши қоидаларига (“Ўздавэнергоназорат” агентлигининг 2004 йил 13 февралдаги 84-сонли буйруғи билан тасдиқланган) мувофиқ бажарилиши лозим.

Саноат зонасининг ташқаридаги ёритиш қурилмаларини лойиҳалашда “қишлоқ хўжалик корхоналари, бинолари ва иншоотларини ёритишнинг тармоққа доир” меъёрлардан фойдаланиш керак бўлади.

Иссиқлик таъминоти

9.15. Корхоналар, бинолар, иншоотлар ва аҳоли пунктларининг иссиқлик таъминоти тизимларини лойиҳалаштиришда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган иссиқлик таъминоти тизимларини қўлланиш соҳасини, иссиқлик манбалари турлари, тизимлар схемалари ва типлари, иссиқлик тармоқлари конструкциясини танлаш билан боғлиқ масалалар комплекси ишлар ҳажмлари ва қурилишнинг навбатлилигини белгилаган ҳолда, шунингдек, улардан фойдаланишга доир таклифлар тақдим қилиниб ҳал этилиши лозим. Асосий диққат-эътибор атроф муҳитни ҳимоя қилиш, капитал қўйилмалар, ёнилқи-энергетика, моддий ресурслар ва меҳнат харажатларини тежашга қаратилган қарорларга қаратилиши керак.

Иссиқлик таъминоти тизимларини минтақа (вилоят, туман) нинг ёнилқи-энергетика баланси тузилиши ва электр ҳамда газ таъминоти тизимларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш зарур. Қўрғон типдаги тураржойлар, одатда, иссиқлик таъминоти якка тартибдаги манбаларидан лойиҳалаштирилади.

9.16. қишлоқ хўжалик корхонаси объектларининг иссиқлик таъминоти масалаларини ҳал этиш учун ёқилғининг энг тежамли турларини ва барча истеъмолчиларнинг унга бўлган эҳтиёжини, бундай эҳтиёжни қўшни хўжаликлар ва туманнинг ёқилғи-энергетика баланслари билан уйғунлаштирилган тарзда маҳаллий ёқилғи ресурслари ҳисобига қоплаш имконияти белгиланиши зарур.

Газ, термал сувлар тарзидаги табиий иссиқлик манбаларига эга туманларда улардан истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти учун фойдаланишни назарда тутиш лозим.

қуйидагилар тегишли равишда техник-иқтисодий асослангани ҳолда ёнилғи сифатида назарда тутилиши мумкин: тошқўмир, йирик ва ўртача класслардаги навли кўмир, суюлтирилган газ, дизель ёқилғиси, керосин, қуёш энергияси, электр энергияси ва ёқилғининг бошқа турлари.

Маиший эҳтиёжлар учун мазутнинг қўлланилиши техник сабабларга кўра инкор этилади, ундан фақат қозонхонадан марказлаштирилган тартибдаги иссиқлик таъминотида фойдаланиш мумкин.

9.17. Қишлоқ хўжалик корхонаси объектлари учун иситиш, вентиляция ва ҳавони тозалаш, шунингдек, марказлаштирилган тартибдаги иссиқ сув таъминотига иссиқлик сарфи ШНҚнинг иссиқлик тармоқларини лойиҳалаштиришга доир бобига биноан қабул қилиниши лозим.

18, 19-жадвалларга мувофиқ иссиқлик сарфининг йириклаштирилган кўрсаткичларини қабул қилишга ҳам йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тармоқлари бўйича иссиқликни сарфлашнинг йириклаштирилган меъёрлари (Гкал/соат)

т/р	Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тармоқлари	иссиқлик (Гкал/соат)
1.	Қорамоллар боғланмасдан боқиладиган йирик қорамолчилик фермаси (100 бошга) - сут олинадиган йўналишли - гўшт олинадиган йўналишли	0,056 0,006
2.	Паррандачилик фермалари (1000 бошга) - тухум чиқарадиган товуклар - ғозлар - ўрдақлар - куркалар	0,003 0,003 0,008 0,015
3.	Гўшт олинадиган йўналишли паррандачилик фермалари (100 бошга)	0,040
4.	Тупроқ билан ҳимояланган иншоотлар: - кишки ёритиб қўйиладиган иссиқхоналар - кишки ёритиб қўйилмайдиган иссиқхоналар - баҳорги иссиқхоналар - техник иситиладиган парниклар (1000 рамга) - паналанган иситилган тупроқли иншоот (1000 рамга)	0,515 0,515 0,385 0,245 0,165
5.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар (1 тоннага) - сут заводлари - гўшт комбинатлари - паррандалар сўйиладиган ва қайта ишланадиган цех - сабзавот, меваларни қайта ишлаш цехи - омухта ем заводлари ва тегирмонлар - зиғирпоя ва наша ўсимлигини қайта ишлаш заводлари - ёғ заводлари	0,090 0,060 0,060 0,175 0,005 0,001 0,002
6.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган корхоналар (1 тоннага) - сабзавот омборлари - дон омборлари ва элеватор механизмлари - мева-чева омборлари	0,001 - -
7.	Ёрдамчи қишлоқ хўжалик хизматлари - таъмирлаш базасига эга автотранспорт парки (1 шартли таъмирлашга) - ёғоч-тахта қуриладиган ва ёғоч-тахта кесадиган рамали қурилиш хўжалиги (1 куб.м. ёғоч-тахта материалларига)	0,015 0,008
8.	Қурилиш материаллари корхоналари - темир-бетон буюмлар (1 куб.м.га) - ғишт (1000 донага)	0,095 0,060
9.	Тураржой бинолари (100 куб.м.га)	0,022
10.	Жамоатчилик ва коммунал бинолар (бинонинг қурилиш ҳажмининг 100 куб.м.га)	0,022

**Қишлоқ аҳолисининг жон бошига шартли ёқилғини
сарфлашнинг тахминий салмоқлари (кг)**

т/р	Истеъмолчилар	Миқдори
1.	Аҳолининг маиший истеъмоли	335-375
	шу жумладан, иситиш	275
	овқат тайёрланиши (асбобга қараб)	60-100
2.	Қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари	112
3.	Коммунал корхоналар	170
4.	Маданий-маърифий, даволаш ва маъмурий муассасалар ва ташкилотлар	37
5.	Маҳаллий саноат ва хўжаликлараро корхоналар	150
	Жами ўртача	825

Газ таъминоти

9.18. қишлоқ хўжалик корхонаси объектларининг газ таъминоти табиий ва суюлтирилган газ билан амалга оширилиши мумкин.

Аҳоли пунктларининг газ таъминоти уч усулда: бир босқичли, икки босқичли ва уч босқичли усулда амалга оширилади.

Одатда, асосан икки босқичли тизимдан – ўртача (ёки юқори) ва паст босимли газ ўтказгичли тизимлардан фойдаланилади.

Уч босқичли тизим – (юқори – ўртача – паст босимли газ ўтказгичлар) алоҳида ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Суюлтирилган газ билан газлаштириш бориш қийин бўлган ва олис аҳоли пунктлари учун туманлардаги газ тўлдириш станцияларидан посёлкаларгача махсус автомашиналарда баллонларнинг (одатда – V_к27л) етказиб берилиши йўли билан тавсия қилинади. Суюлтирилган газ меъёри – 1 ойлик муддатга 1 хўжалик учун 3 баллон миқдорида ҳисобланади.

Газ таъминоти масалаларини ҳал этиш учун у ёки бошқа газ турининг қўлланилиши ҳар бир аниқ ҳолда техник-иқтисодий мақсадга мувофиқликни ҳисобга олиб ҳал этилади.

9.19. Хўжалик-маиший ва коммунал эҳтиёжлар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари учун газ сарфи ШНҚ 2.04.08 нинг газ таъминотини лойиҳалаштиришга доир бобига мувофиқ қабул қилиниши керак.

Телефонлаштириш ва радиолаштириш

9.20. ҲМРТ лойиҳасида алоқа воситаларини (телефонлаштириш ва радиолаштиришни) таъминлаш ва ривожлантириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади:

кўриб чиқиладиган хўжаликнинг биринчи навбатдаги ва ҳисоб-китобдаги муддатга алоқа воситаларига эҳтиёжини ва телефонлаштириш ҳамда радиолаштириш тизимини ташкил этиш тамойилларини белгилаш;

қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳоли пунктларини алоқа воситалари билан таъминлаш юзасидан бутун ҳудудда асосий иншоотлар ва линияларнинг оқилона жойлаштирилишини асослаш;

телефонлаштириш ва радиолаштириш тармоғларини қуришда алоқа линияларининг илгари қарор топган йўналишларидан максимал фойдаланишга интилиш лозим;

хўжаликни телефонлаштириш масаласини ҳал этишда алоқа тизимларини барпо қилишнинг ҳудудий-ишлаб чиқариш тамойилига

риоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда асосий станциялар бириктириладиган линиялар орқали қишлоқ хўжалик корхонасининг марказий посёлкаларида жойлашган охирги ёки узелли АТСлари билан боғланади.

9.21. Ҳудуднинг радиолаштирилишини ҳал этишда ҳар бир белгиланган зона марказида қуввати ҳамма аҳоли пунктларини ва зонадаги ишлаб чиқариш объектларини радиолаштириш учун етарли бўлган радиоузел жойлашадиган тармоғлар қурилиши тамойилига риоя қилиш керак бўлади.

Ҳамма объектлар зона маркази билан радиотрансляция фидер линиялари орқали боғланиши керак.

Радиолаштиришнинг зонали тизими мабодо хўжаликдаги барча объектларни бир радиоузелдан сифатли эшиттириш билан таъминлашнинг техник имконияти бўлмагани ҳолда қўлланилиши мумкин. қишлоқдаги телефонлаштириш ва радиолаштириш тармоқларини барпо этишнинг тавсия қилинадиган тузилмалари 20, 21-жадвалларда келтирилган.

20-жадвал

Қишлоқдаги телефон тармоқларини барпо этишнинг тавсия қилинадиган тузилмаси

Телефонлаштириш тармоқлари типлари	Аҳоли пункти типи	Изоҳлар
Бир босқичли	асосан марказий қўрғонларда жойлашган кичик ва ўртача хўжаликлар учун	бир АТС хизмат кўрсатади
Икки босқичли	капта ҳудудларни банд қилган ва олисдаги посёлкаларга эга хўжаликлар учун	бир неча АТС хизмат кўрсатади

21-жадвал

Радиотрансляция тармоқларининг тавсия қилинадиган тузилмаси

Радиотрансляция тармоғи типи	Аҳоли пункти типи	Изоҳлар
Бир бўғинли	кичик аҳоли пунктлари учун	кичик қувватли радиотрансляция узели хизмат кўрсатади, қуввати 0,1 кВт
Икки бўғинли	ўртача ва йирик аҳоли пунктлари учун	радиотрансляция узели хизмат кўрсатади, қуввати 0,5 кВт
Уч бўғинли	аҳоли зич жойлашган аҳоли пунктлари учун ва кучайтирувчи подстанцияларни улаш учун	радиотрансляция узели хизмат кўрсатади, қуввати 1,0 кВт ва ундан кўп

10. ХУДУДНИНГ МУҲАНДИСЛИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

10.1. «Қишлоқ хўжалик корхонаси худудини муҳандислик тайёргарлиги» қисми ХМРТ лойиҳаси таркибида бажарилади, бунда албатта лойиҳалаштириш топшириғи ҳамда топогеодезик, физико-геологик, гидрогеологик изланишлар ва лойиҳалашти-рилиётган худудни тупроқ-мелиоратив карталари бўлиши шарт.

Қишлоқ хўжалик корхонаси худудининг муҳандислик тайёргарлигига доир тадбирларни ишлаб чиқишда кўриб чиқилаётган корхона ва унинг ташқарисидаги доирадаги халқ хўжалиги барча тармоқларининг талабларини ҳисобга олиш керак бўлади. Тадбирлар таркиби иқлимга оид тавсифнома, физик-геологик ва гидрогеологик изланишлар, радиоэкологик текширувни ҳисобга олиб белгиланади.

10.2. Худуднинг муҳандислик тайёргарлигига доир тадбирларга куйидагилар киради:

- худуднинг вертикал режалаштирилиши;
- сунъий суғориш;
- сувни қочириш, табиий ёки сунъий гидрографик тармоқнинг тартибга солиниши;
- сейсмикликка қарши ва ер кўчишига қарши тадбирлар;
- сизот сувлар даражасининг пасайтирилиши;
- ўпирилиш, емирилиш ва дарё ҳамда каналлар қирғоқларининг бузилишидан ҳимоя қилиш;
- сел оқимлари ва сув тошқинларидан ҳимоя қилиш.

Вертикал режалаштириш.

10.3. Вертикал режалаштириш ер устидаги сувларни қочириш бўйича сув оқизиладиган иншоотларни, суғориш тизими каналлари ва иншоотларини, ободонлаштиришнинг муҳандислик тармоқларини, транспорт тармоқлари ва иншоотларни, тураржой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ва фойдаланиш учун энг қулай шарт-шароитларни таъминлаши лозим.

Аҳоли пунктларининг вертикал режалаштирилишини аҳоли пунктларига кўшилиб кетган далаларнинг вертикал режалаштирилиши билан уйғун тарзда ҳал этиш зарур, ШНҚ 2.07.01 га мувофиқ.

Худуднинг суғорилиши ва қуритилиши.

10.4. Суғориш тизими иншоотлар, бинолар ва қурилмаларнинг табиий намлаштириш етарли бўлмаган шароитда суғориладиган массивнинг тупроқ қатлами сувнинг илдизларга етиб боришини, сувларда оптимал тузланиш режими бўлишини, қишлоқ хўжалик экинларидан юксак ва барқарор ҳосил олинишини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ комплексини ўз ичига олиши лозим.

10.5. Суғориш тармоғи куйидагиларнинг таъминланишини ҳисобга олиб лойиҳалаштирилиши керак:

ҳисоб-китобдаги эҳтиёжларни суғориш учун сувнинг ўз вақтида етказиб берилиши;

ерлардан фойдаланиш ва тизимнинг фойдали амал қилишининг оптимал коэффициентларини.

Суғориш тармоғи жойнинг рельефи, муҳандислик-геологик шарт-шароитлар билан уйғун тарзда лойиҳалаштириш лозим.

10.6. қишлоқ хўжалик экинларининг сувни истеъмол қилиши миқдорини ўсимликшуносликдаги хўжалик фаолиятининг йўналиши, экинлар таркиби ва иқлим, тупроқ ҳамда гидрогеологик шарт-шароитлар, суғориш техникаси усулларига қараб суғориш режими асосида қабул қилиш лозим.

10.7. Суғориш тармоғини қувурўтказгичлар шаклида ёпиқ ёки каналлар ҳамда лотоклар шаклида очиқ ҳолида лойиҳалаштириш зарур.

Суғориш тармоғининг оптимал конструкциясини танлаш тармоқ вариантларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини солиштириш асосида амалга оширилиши лозим.

10.8. Ортиқча сувлар (ер устидаги ёки сизот сувлар) мавжуд бўлганида суғориш каналларидан ташқари сувни йиғиб оладиган ва чиқариб ташлайдиган ҳамда коллектор-дренаж тармоқларини ҳам лойиҳалаштириш зарур.

Суғориш ва қуришиш талаб қилинадиган ерлар майдонлари тупроқларнинг мелиоратив хариталари ва агроиқтисодий ишланмалар маълумотлари асосида белгиланади. Мунтазам равишда суғориш учун сувнинг тахминий сарфи 22-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра белгиланиши мумкин.

10.9. Дренаж тизимини ҳисоб-китоб қилиш ва лойиҳалаштириш ШНҚ 1.02.07-15 ва ШНҚ 2.06.15 га биноан муҳандислик қидирувлар асосида амалга оширилиши керак.

22- жадвал

Алмашлаб экишнинг номи	Зона №	Иқлимий минтақа	Тупроқли босма-қатламларнинг мелиоратив шароитлари ўзига хос ҳудудлар (туманлар)					
			Қумли тошқотишма қатламларида жойлашган қатлам қалинлиги 0,3 ÷ 1,0м бўлган бўз тупроқли қўнғир қоратупроқлар, энгил, энгил-кумоқ, қумлоқ, пайсимон тупроқлар ва қалинлиги 0,2-0,6м бўлган оғир ва оғир-кумоқ, сертупроқ ерлар.	0,6м-дан ошиқроқ чуқурликда дренаж қилувчи қатламлар тўшамасида жойлашган бўзтупроқли, қўнғир, қоратупроқли оғир ерлар.	Бўз тупроқли, қўнғир, қоратупроқли, ўтлоқли энгил қалин қатламли ерлар.	Бўз тупроқли, қўнғир, қоратупроқли, ўтлоқли оғир қатламли ерлар.	Ўтлоқли, ўтлоқли ботқоқли, энгил-кумоқ ва қумлоқ ерлар қалин қатламли.	Ўтлоқли, ўтзорли-ботқоқли ва сертупроқ ерлар, қалин қатламли.
			Намлик чегараси					
			2600÷3600 м3/га.	2000÷2600 м3/га.	2600÷3400 м3/га.	2000÷2600 м3/га.	2600÷3400 м3/га.	
			Ер ости сувларининг чуқурлиги					
3-4 м-дан ошиқ	3-4 м-дан ошиқ	2-3 м	2-3 м	1-2 м	1-2 м			
Пахта-беда (йўнғичка) пахта-70% беда-30%	I	қумлоқ ерлар	9,3	8,1	5,3	6,8	6,0	5,2
	II	ярим сахро ерлар	8,8	7,4	7,9	6,3	5,1	4,8
	III	қуруқ чўл ерлар	7,8	6,8	7,1	5,8	5,1	4,4
Пахтачилик зонасидаги хўжаликлар учун (пахта-70%; беда (йўнғичка) - 30% полиз экинлари ва боғлар, узумзорлар ва бошқалар-20%)	I	қумлоқ ерлар	9,0	7,9	8,1	8,7	5,8	5,1
	II	ярим сахро ерлар	8,4	7,3	7,6	6,2	5,5	4,7
	III	қуруқ чўл ерлар	7,5	5,5	6,8	4,7	4,9	3,6
Боғлар ва узумзорлар	I	қумлоқ ерлар	7,0	6,7	6,3	5,7	4,6	4,4
	II	ярим сахро ерлар	6,4	6,0	5,8	5,1	4,2	3,9
	III	қуруқ чўл ерлар	5,6	5,1	5,0	4,3	3,6	3,3
	IV	қуруқ чўл ерлар	3,0	2,9	2,8	2,6	2,1	2,0
	V	қуруқ чўл ерлар	2,8	2,3	2,7	2,1	2,0	1,6
	VI	қуруқ чўл ерлар	2,2	1,7	2,1	1,5	1,5	1,2
Шоли	I	қуруқ чўл ерлар	—	—	—	—	23,3	15,5
	II	қуруқ чўл ерлар	—	—	—	—	20,7	12,1
	III	қуруқ чўл ерлар	—	—	—	—	18,1	10,4
	IV	қуруқ чўл ерлар	—	—	—	—	15,5	7,8

Хавфли геологик жараёнлардан ҳимоя қилиш

10.10. Иқлимга доир параметрларни ва физик-геологик маълумотларни ШНҚ 2.01.01 га мувофиқ қабул қилиш керак:

куёш радиацияси;

ёгингарчиликлар, ҳарорат ва яхлашнинг чуқурлиги;

соз тупроқларнинг кўчувлари;

дефляция ва шамол таъсиридаги жараёнларнинг тарқалиши;

худудларни сув босиши;

кўчкилар ва ўпирилиш жараёнларининг тарқалиши, сейсмик туманлар, кўчки тушиш хавфи бўлган ва сейсмик туманлар.

10.11. Хавфли геологик жараёнлардан ҳимоя қилишга доир тадбирлар ШНҚ 2.01.03, ШНҚ 2.01.15 га ва бошқа меъёрий ҳужжатларга биноан назарда тутилиши керак.

Селдан ҳимоя қилиш тадбирлари сел оқимларидан ҳимоя қилишнинг минтақавий схемалари билан уйғун тарзда назарда тутилиши лозим.

Қирғоқларида нураш жараёнлари (кўчкилар, жарликлар вужудга келиши) юз берадиган очик сув оқимлари юзасидан қирғоқларни мустаҳкамлайдиган тадбирлар назарда тутилиши лозим.

11. АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ.

11.1. ҲМРТ лойиҳасига кўра атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва антропоген босим барқарор ошиб борадиган шароитда жойлашган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс тадбирлар: шаҳарсозлик, муҳандислик-техник, технологик ва ташкилий-маъмурий тадбирлар назарда тутилиши лозим.

11.2. Атроф муҳитнинг ифлосланиши бўйича танланган ва ҳудудга нисбатан бир тизимга бирлаштирилган кўрсаткичларнинг комплекс таҳлили табиий муҳитнинг аҳволини ва унинг ўзгариши динамикасини баҳолашга имкон беради.

Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш (АТБ) бўлими вужудга келган экологик вазиятнинг сабабларини аниқлашга даъват қилинган.

АТБ бўлимини “АТБни ўтказиш тартиби ҳақидаги йўриқнома” РХ 118.0027714.24-93 га мувофиқ бажариш лозим.

АТБ бўлими асосида атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

11.3. қишлоқ хўжалик корхонасининг “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш” бўлимини ишлаб чиқишда қуйидагилар мажбурий тартибда ҳисобга олиниши лозим:

табиий ландшафтнинг тавсифномаси (жойнинг рельефи, ҳудуднинг табиий қуритилиши тизими, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси);

ҳудуднинг фонга оид микроклим шарт-шароитлари, ер юзасидаги сувларнинг (сув ҳавзалари, очик сув оқимларининг) ифлосланганлиги, тупроқ ва ўсимликлар, ер юзасидаги сувларни йиғиб олиш, тозалаш ва чиқариб

ташлашнинг ташкил этилиши, атмосферанинг ер юзасидаги қатламидаги ҳавонинг ифлосланганлигининг тавсифномаси;

электромагнит фони ва радиациянинг асосий манбалари (телемарказлар, ретрансляторлар, радиолокаторлар, радиостанциялар, саноат қурилмалари, электр станциялари, электр узатиш линиялари) тавсифномаси;

каттик чиқитлар ва чиқиндилардан тозалашни ташкил этиш;
умуман аҳолининг ва айрим ёш таркибларининг касалланиши.

Сув ресурсларининг муҳофазаси

11.4. Ер усти ва ер ости сувларининг муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” қонунига мувофиқ белгиланган муҳофаза қилинадиган сув зоналари талаблари доирасида амалга оширилиши лозим.

Қуйидагилар сув ресурсларини ҳимоя қилишга доир асосий масалалар ҳисобланади:

асосий ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

сув таъминоти тизимларини такомиллаштириш (тўлиқ оборотли сув таъминотини, сувдан такроран фойдаланиш схемаларини жорий этиш, технологик эҳтиёжлар учун хўжалик-ичимлик суви истеъмол қилинишини қисқаририш ёки тўлиқ барҳам бериш, барча технологик жараёнларда сув сарфини автоматик назорат қилиш, сувни истеъмол қилишнинг техник асосланган меъёрлари ва нормативларини жорий қилиш);

канализация ва оқова сувларнинг тозаланиши тизимини такомиллаштириш (ҳатто аварияли ҳолатларда ҳам сувларнинг сув ҳавзаларига оқиб тушишига йўл қўймайдиган сувларни чиқариб ташлаш усуллариининг жорий этилиши, тозалаш жараёнларининг автоматик назорат қилиниши ва тартибга солиб турилиши, оқова сувлардаги ифлослантирувчи аралашмалар миқдорларини белгилаш услубларини такомиллаштириш, агрессив суюқ моддаларнинг коррозия ва абразивли таъсирга чидамли ускуналар ва сув қувурларининг қўлланилиши);

ер ости сувларини ҳимоя қилишга доир тадбирлар (худуднинг режалаштириш белгиларини сунъий кўтариш, ҳимоялаш гидроизоляцияси, дамбаларни тиклаш, сувни кам ўтказадиган тупроқ ва материаллар билан тўсиқлаш, ишлаб чиқариш чиқитлари ва тайёр маҳсулотларнинг лозим даражада омборларда тахлаб қўйилиши, сувни ўтказмайдиган экранлар ва тўсиқларни барпо этиш, ер ости сувларидан фойдаланишнинг ҳисобга олиниши).

Муҳофаза қилинадиган сув зоналарида хўжалик фаолиятининг ўрнатилган тартибига риоя қилиш.

Атмосфера ҳавоси, ер остини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш.

11.5. Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси тураржойлар қурилган туманларда зарарли моддалар концентрациясининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқ чекланишига асосланиши лозим.

Янги посёлкаларни қуриш ва мавжудларини ривожлантириш ҳудудлари Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун яроқсиз бўлган ерларда назарда тутилиши керак.

Қурилишларнинг суғриладиган ва қурилган ерларда, шудгорда, кўп йиллик мевали дарахтлар банд қилган ерларда, шунингдек, сувдан ҳимоя қиладиган яшил дарахтзорлар банд қилган ерларда жойлаштирилишига фавқулодда ҳолларда йўл қўйилади. қурилиш тақиқланадиган ерлар рўйхати маҳаллий бошқарув органлари (вилоят ва туман ҳокимликлари) томонидан белгиланади.

Қуйидагилар атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш тадбирларига киради:
қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудини зоналаштиришни такомиллаштириш (тураржойлар, саноат, коммунал-омборхоналар, қишлоқ хўжалик далалари, транспорт), санитария-ҳимоялаш зоналарининг қурилиши;
транспорт воситаларида ички ёниш тизимини такомиллаштириш;
тозалашнинг турли хилларидан фойдаланиб технологик ва вентиляция чиқитларини тозалаш;
ифлосланган чиқитларни тарқалиши радиусини ҳисобга олиб катта баландликларга чиқариб юбориш.

11.6. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда фойдали қазилмаларнинг жойлашувини ва сифатли ер ости сувлари мавжудлигини ҳисобга олиш лозим.

11.7. Тупроқ ва ўсимликларни ҳимоя қилишни ифлослантирувчилар таркиби, саноат чиқитларининг атмосферада қолдиқлар билан тушишига қараб, тупроқнинг газга ўхшаган бирикмаларни бевосита шимиб юбориши ва ўсимликларнинг сўриб олишини ҳисобга олиб амалга ошириш зарур.

11.8. Йўллар, чорвачилик фермалари қурилиши, қаттиқ чиқитларни утиллаштиришда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини назарда тутиш керак бўлади.

11.9. Тупроқнинг бузилишлар ва ифлосланишдан ҳимоя қилинишини назарда тутиш лозим (сув эрозияси, шамол эрозияси, тупроқнинг шўрланиши, ер остидаги муҳандислик коммуникациялари, нефть ва газ сақланадиган жойларнинг жойлаштирилиши; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари; қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхоналари; пахтачилик далалари, кам заҳарли препаратлардан фойдаланиш, маъданли ўғитларни ёпиқ тарада ташиш, ўғитлантиришнинг авиация воситаларини қўлланишни чеклаш; қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари, пахта тозалаш заводлари).

Тупрокни химоя қилишга доир тадбирларни тупрокни химоя қилишга доир қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган санитария меъёрларига ҳамда ерлардан турлича фойдаланишда тупрокнинг тупрокдаги ифлослантирувчи моддалар ПДКнинг тасдиқланган меъёрларидан ортиқча ифлослантирилишининг олдини олишни таъминлайдиган бошқа идоралар талабларига мувофиқ назарда тутиш лозим.

Шовқиндан, электр ва магнит майдонлари вибрациясидан, нурланишлардан химоя қилиш

11.10. Тураржой ва жамоатчилик бинолари ва улар атрофидаги ҳудудлар учун йўл қўйилиши мумкин бўлган шовқин даражалари, ташқаридаги шовқиннинг асосий манбаларининг шовқинга доир тавсифномалари, шовқинни камайтиришнинг меъморчилик режалаштириш ва қурилиш-акустика воситаларининг акустик самарадорлигини ҳисоблаш услуги ҳамда уларни лойиҳалаштириш юзасидан асосий талаблар ҚМҚ 2.01.08 га мувофиқ қабул қилинади.

11.11. Радиотехника объектлари (радиостанциялар, радиотелевизион, етказиб берувчи ва радиолокацион станциялар), ҳаводаги юқори кучланишли электр узатиш линиялари ва электромагнит энергияси чиқарадиган бошқа объектларни жойлаштиришда аҳолини электромагнит майдони таъсиридан химоя қилишнинг вақтинчалик санитария меъёрлари ва қоидалари, электр қурилмаларини (ПУЭ) қуриш қоидаларига амал қилиш керак бўлади.

11.12. Радиоактив моддалар ва бошқа қувватлантирувчи нурланиш манбаларини ишлаб чиқариш, ишлаш, қайта ишлаш, қўллаш, сақлаш, ташиш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлашда радиация хавфсизлигининг таъминланиши радиация хавфсизлиги меъёрлари (НРБ 76/87) ва радиоактив моддалар билан ишлашнинг асосий санитария қоидалари (ОСП-78/87) га мувофиқ амалга оширилиши керак.

11.13. Атроф муҳитни ифлослантирувчи асосий манбаларнинг таъсир кўрсатиши характерига доир йириклаштирилган кўрсаткичлар, турли мақсаддаги корхоналарнинг ифлослантирувчи моддаларга квоталари Е-иловада келтирилган.

А-илова
Тавсиявий

Тасдиқлайман
*бўйртмачи номи,
тасдиқлаш санаси*

ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ

Худуднинг меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун

Ўзбекистон Республикаси _____

Вилоят номи _____

Туман номи _____

Хўжалик (ҚФЙ, МФЙ) номи _____

№	Топшириқ куйидаги асосий маълумотларни ўз ичига олиши лозим:	ИЗОҲЛАР
1.	Ишлаб чиқиш учун асос	
2.	Лойиҳалаштириладиган объект номи: – унинг жойлашган жойи ҳақидаги маълумотлар – ихтисослашуви – ташкилий тузилиши – худуд майдони	
3.	Илгари бажарилган лойиҳалаш-режалаштириш ишлари ҳақидаги маълумотлар (шу жумладан, айрим посёлкаларнинг бош режалари), улардан фойдаланилиши ҳақидаги кўрсатмалар	
4.	Шаҳарни ташкил қилувчи кадрлари ва хўжалик аҳолиси, демографик тузилма	
5.	Хўжалик ва аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш – иқтисодий ва ижтимоий аҳоли тавсифномаси, қишлоқ хўжалик корхонасининг рентабеллигининг баҳоланиши, кейинги 3-5 йилдаги қурилиш ҳажмлари ҳақидаги маълумотлар	
6.	Шаҳарсозлик, муҳандислик-техник инфратузилма ва атроф муҳитнинг ҳозирги аҳоли ҳақидаги маълумотлар	
7.	Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги тараққиёти, экин майдонларининг тузилиши, қишлоқ хўжалик экинларидан умумий йиғиладиган ҳосил, чорвачиликнинг ривожлантирилиши, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар	
8.	Биринчи навбатдаги ва ҳисоб-китобдаги муддат учун тураржойлар қурилиши (қурилиш тузилиши ва типлари, қаватлилик, деворлар материаллари), маданий-маиший, муҳандислик-техник қурилиш (йўллар тармоқи, муҳандислик ускуналари, ободонлаштириш) ва ишлаб чиқариш қурилишига талаблар. Талаблар умуман	

	хўжаликка ва ҳар бир аҳоли пунктига ҳамда объекта тегишли бўлади. Биринчи навбатдаги қурилиш ҳажмларининг асосланиши, қурилиш усуллари, маблақ билан таъминлаш манбалари. қурилиш фондини реконструкциялаш ва замонавийлаштириш ҳажмлари ва миқёслари ҳақидаги кўрсатмалар.	
9.	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, тарих, маданият ва меъморчилик ёдгорликлари, қимматли ландшафтларни сақлаб қолишга доир комплекс тадбирлар тавсифномаси	Барча йўналишдаги объектлар тўғрисида маълумотлар.
10.	Ўқув юрларининг ҳозирги ҳолати: ўқувчилар, ўқитувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони	
11.	Тиббиёт муассасалари тармоғининг ҳозирги ҳолати	Мавжуд тиббиёт муассасалари тўғрисида маълумотлар (шу жумладан, нодавлат муассасалари)
12.	Меъморчилик ва режалаштиришни ташкил этиш лойиҳасининг ҳисоб-китобдаги муддатлари:	- ҳозирги аҳволи - қурилишнинг биринчи навбати - ҳисоб-китобдаги муддат
13.	ҲМРТ лойиҳасида қуйидагилар бўйича таклифлар ишлаб чиқиши лозим:	- ҳудуднинг функционал зоналаш тирилиши - объектларнинг комплекс жойлаштирилиши - - бошланғич маълумотлар, уларнинг йиғилиши
14.	Лойиҳа таркиби ва график материал миқёси	ШНҚ 2.07.04 га мувофиқ.
15.	Қўшимча намоиш қилинадиган материаллар	
16.	Меъморчилик ва режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаси билан параллель равишда қуйидагилар бўйича бажарилган ишлар ҳақида ахборот:	- қурилиш лойиҳасининг тузилиши - биринчи навбатдаги қурилиш ҳажмларини лойиҳалаштиришнинг бошқа турлари
17.	Лойиҳалаш-режалаштириш ҳужжатларини келишиш тартиби	
18.	Алоҳида шартлар	
19.	Лойиҳалаштириш муддатлари:	бошланиши туғаланиши
20.	Топшириққа илова	Маҳаллий хўжалик, статистика органлари, ҳамда ихтисослашган ташкилотлардан олинган маълумотлар

Буюртмачининг вакили _____

Лойиҳалаш ташкилоти вакили _____

Институт бош муҳандиси _____

Лойиҳанинг бош меъмори (муҳандиси) _____

Келишилган: _____

Туман қурилиш бўлими бошлиғи _____

**Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий
режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун
зарур бўладиган материаллар тўпланадиган ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

В1. Вилоят ва туманлар ҳокимликларининг режалаштириш комиссиялари:
туман иқтисодиётини ривожлантириш режаси ва унинг йиллар бўйича
бажарилиши;

иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари (тармоқлар бўйича);
фойдали қазилмалар;
қурилиш ресурслари, қурилиш материаллари баланси.

В2. Статистика бошқармасининг маҳаллий органлари:
хўжаликнинг айрим тармоқларининг ҳозирги аҳволи;
аҳоли, жамоа хўжаликлари аъзолари, ишчилар, хизматчилар сони ва
ишчи кучи балансининг тавсифномаси.

В3. Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси ва туманлар ер қурилиши
бўлимлари:

қишлоқ хўжалигидаги ердан фойдаланувчилар тавсифномаси;
қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий тармоқ йўналиши;
тупроқларнинг тавсифномаси;
қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш тавсифномаси;
мелиорация тизими тавсифномаси;
ердан фойдаланувчи бўйича картографик материал.

В4. Вилоят қурилиш бош бошқармалари:
режалаштириш ва қурилиш лойиҳалари билан таъминланганлик,
мавжудлари билан танишиш;

асосий посёлкалар, қурилишни ташкил қилиш ва маҳаллий қурилиш
материалларидан буюмларни ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилган
жараёнига доир қурилиш базаларининг жойлашиши ҳақидаги маълумотлар.

В5. Вилоят автотранспорт ва шоссе йўллари бўлими:
туман йўл тармоғи схемаси, йўлларнинг тавсифномаси;
йўл ва кўприк ишлари режаси (умумий сони), жорий йил учун йўл
ишлари режаси ажратиб кўрсатилгани ҳолдаги энг муҳим объектлар рўйхати -
туманнинг йўл тармоғини реконструкциялаш ва ривожлантириш соҳасидаги
энг муҳим вазифалар тўқрисида маҳаллий ходимларнинг ахборотлари.

В6. Вилоят ва туман санитария-эпидемиология станциялари:
туманнинг санитария тавсифномаси;
атроф муҳитнинг санитария аҳолини яхшилашга доир таклифлар.

В7. Вилоят энергетика бошқармаси:

қишлоқ электр станциялари рўйхати, уларнинг тавсифномаси, қуввати, қишлоқни электрлаштиришни ривожлантириш истиқболлари;

юқори вольтли тармоқлар схемаси, тармоқлар трассалари, ҳудудий шаҳобчаларни ривожлантириш истиқболлари ва талаб қилинадиган шаҳобчалар.

В8. Туманлар маданият, халқ таълими, коммунал хўжалиги, савдо бўлимлари.

туманда ва қишлоқ хўжалик корхонаси аҳоли пунктларида қўйидагиларнинг мавжудлиги: маданият уйлари, кинотеатрлар, ёшларнинг маданий марказлари, кутубхоналар, болалар боғчалари, мактаб муассасалари, дўконлар, ҳаммомлар, кир ювиш пунктлари, новвойхоналар ва шу кабилар;

уларнинг тавсифномалари ва жойлашганлиги;

жамоатчилик фойдаланадиган яшил дарахтзорларнинг (парклар, хиёбонлар ва шу кабилар) мавжудлиги ва аҳволи;

туманда маданият ёдгорликлари, музейлар, қўриқхоналар, туристик ва бошқа дам олиш базалари, санаторияларнинг мавжудлиги, уларнинг тавсифномалари ва жойлашганлиги;

маданий-маиший, коммунал ва савдо муассасалари тармоғини ривожлантириш истиқболлари.

В9. Туман солиқни сақлаш бўлими:

тиббий хизмат кўрсатишнинг мавжуд тармоғи тавсифномаси (касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар, туғруқхоналар, болалар ясилари, маслаҳатхоналар, дорихоналар ва бошқалар). Жойлашганлиги, сифими, даволаш муассасаларининг аҳволи, тиббий ускуналар билан жиҳозланганлик;

қишлоқ хўжалик корхонаси ва тумандаги тиббий хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш режаси.

В10. Туман «Сув-Оқава» тармоқлари корхонаси:

туман сув узатиш ва оқава тармоқлари, сувтаъминоти манбайлари мавжуд ҳолатининг тавсифномаси;

туман сув таъминоти тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги корхонасини ривожлантириш истиқболлари.

В11. Туман газ таъминоти корхонаси:

туман ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг газ таъминоти схемаси. Газ таъминоти тармоқларини ривожлантириш истиқболлари.

В12. Ёнғинга қарши назорат органлари:

туман ва аҳоли пунктларининг ёнғинга қарши курашиш тавсифномаси, ёнғинга қарши курашиш учун сув таъминоти (дарёлар, каналлар ва сунъий сув ҳавзаларига яқин олиб борадиган йўлларнинг мавжудлиги), телефон алоқасининг мавжудлиги;

ёнғиндан ҳимоя қилиш биноларининг мавжудлиги ва аҳволи, ёнқинга қарши курашиш постларидаги ёнғинга қарши курашиш техникаси тавсифномаси;

сув ҳавзалари, ёнингга қарши курашиш деполари, момақалдирокдан ҳимоя қилиш қурилмалари, ҳимоя қиладиган яшил дарахтзорлар, йўллар ва кўприклар, ёнғиндан ҳимоя қиладиган бошқа тадбирларни қуришнинг истиқболдаги режаси.

В13. Ветеринария назорати органлари:

ветеринария муассасалари туман ва участка ветеринария шифохоналари, ветеринария-фельдшерлик пунктлари, изоляторларнинг мавжудлиги ва жойлашганлиги;

ветеринария хизмати бўйича таклифлар.

В14. Балиқ назорати ва балиқ хўжалиги органлари.

балиқ хўжалиги йўналиши кенг ривожланган туманлар учун қуйидагиларни тавсифлайдиган маълумотлар олинishi зарур:

а) балиқ хўжалиги сув ҳавзалари, уларнинг сони, майдони, балиқлар турлари ва шу кабилар;

б) сув ҳавзаларидан фойдаланиш ва балиқ тайёрлаш тизими;

в) балиқ питомниклари;

г) ҳовузлардаги балиқчиликни ривожлантириш истиқболлари ва унинг қишлоқ хўжалиги билан ўзаро алоқадорлиги.

Лойиҳа ҳужжатларини расмийлаштиришга умумий талаблар

С1. ҲМРТ лойиҳасига график материаллар Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари ва қурилиш ҳамда лойиҳалаштириш учун тасдиқланган норматив ҳужжатларни ҳисобга олиб бажарилиши ва расмийлаштирилиши лозим.

Лойиҳанинг асосий чизмалари топогеодезик ёки картографик негизда М1:10000, М1:25000 масштабида бажарилиши керак. Чизмалар топонегизни тўлиқ ёпиб қўймайдиган тиниқ бўёқлар билан безатилиши лозим. Лойиҳа таркибига кирадиган ҳар хил чизмаларда такрорланадиган бир хилдаги элементларни тасвирлаш учун бир хилдаги шартли белгилар қўлланилиши зарур.

С2. Лойиҳанинг асосий чизмалари албатта қуйидаги шахсларнинг имзоларига эга бўлиши лозим: лойиҳа ташкилотининг директори, бош муҳандиси, бош меъмори, бўлим бошлиқи, лойиҳанинг бош меъмори, лойиҳанинг бош муҳандиси ва лойиҳа муаллифлари. Бошқа чизмалар ва схемалар лойиҳанинг бош меъмори (муҳандиси), бўлим бошлиғи ва бўлимлар ижрочилари томонидан имзоланади.

С3. Тушунтириш хатида қуйидагилар кўрсатилади: лойиҳани бажарган ташкилот номи ва унинг қайси идорага қарашли эканлиги, лойиҳа, тушунтириш хатининг тўлиқ номи, лойиҳанинг чиқарилган йили ва ойи.

Тушунтириш хатларининг титул варақаларида лойиҳа ташкилотининг директори, бош муҳандиси, бош меъмори, лойиҳа ишланган бўлим бошлиғи, лойиҳанинг бош меъмори (муҳандиси) имзолари бўлиши керак.

Тушунтириш хатининг бошланишида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим: умуман лойиҳа ва унинг алоҳида бўлимлари бўйича муаллифлар жамоаси ва масъул ижрочилар таркиби; лойиҳа таркиби, график ва матнли материаллар рўйхати; лойиҳага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;

техник-иқтисодий кўрсаткичлар келтирилган тушунтириш хати мазмуни.

Тушунтириш хатига лойиҳалаштиришга доир топшириқ, бошланғич маълумотлар ва лойиҳани олдиндан кўриб чиқиш ҳамда келишиш ҳужжатлари илова қилинади.

С4. Алоҳида буюртма бўйича (қўшимча ҳақ тўлангани ҳолда) асосий чизмалар асл нусхаларининг бир ёки бир неча нусхадаги дубликатлари, шунингдек, тушунтириш хати дубликатлари ҳам ишланиши мумкин.

Чизмалар ва тушунтириш хатлари дубликатларида лойиҳани тасдиқлаган идора номи, тасдиқлаш санаси ва тасдиқлаш ҳақидаги қарор рақами кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси аҳолиси сонини ҳисоб-китоб қилиш услубиёти

Аҳоли сонини ҳисоб-китоб қилишда жамоатчилик ишлаб чиқаришида иштирок этиш ва меҳнат фаолияти тусига қараб аҳолини умумий қабул қилинган учта гуруҳга бўлишга асосланиш керак бўлади:

I. Шаҳарларни ташкил этувчи гуруҳ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан банд бўлган ходимлар, муҳандис, техник ва кичик хизмат кўсатиш ходимлари сони – штатлар жадвали ва технологик карталар бўйича белгиланади.

Бундай ҳужжатлар бўлмаганида ишчилар сонини меҳнат билан комплекс бандлик асосида ҳисоблаш мумкин:

пахтачилик хўжаликларида – меҳнатга лаёқатли бир ходимга 4 – 5 га;

шоличилик хўжаликларида – меҳнатга лаёқатли бир ходимга 6 – 8 га;

қўйчилик хўжаликларида – меҳнатга лаёқатли бир ходимга 1,5 – 2,0 га;

боғдорчилик-токчилик хўжаликларида – меҳнатга лаёқатли бир ходимга 1,0 – 1,5 га.

Агар бундай ихтисослашган хўжаликларда катта майдондаги лалмикор шудгор ерлар ёки анча кўп миқдордаги қўйлар мавжуд бўлса, суғориладиган зонада ишчилар сонига хўжаликнинг бундай тармоқларида банд бўлган ишчилар сони қўшиб қўйилади:

а) Лалмикор ерлар билан таъминланмаган ва кам таъминланган лалмикор ўсимликшунослик зоналари учун – бир ишловчига 100 га, дон экилиб – дам берилиб – чопиқ қилинадиган алмашлаб экиладиган лалмикор ерлар билан таъминланган ва чала таъминланган лалмикор зоналари учун – бир ишловчига 35 га

б) қўйчилик учун – бир ишчига 250 та қўй, тоғлик шароитларда – бир ишловчига 200 та қўй;

в) муҳандис, техник ва кичик хизмат кўсатиш ходимлари сони – пахтачилик хўжаликларида – ишлаб чиқаришдаги ишчилар умумий сонининг 7%;

боғдорчилик ва сабзавотчилик хўжаликларида – ахтачилик хўжаликларида – ишлаб чиқаришдаги ишчилар умумий сонининг 5%.

II. Хизмат кўрсатувчи гуруҳ

Хизмат кўрсатиш соҳаси: халқ таълими, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, савдо, маданий-маърифий муассасалар, спорт ва бошқаларда ишловчилар сони.

Хизмат кўрсатувчи гуруҳ сони маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарининг лойиҳалаштириладиган тармоғи ва уларнинг штатлар жадвали асосида белгиланади. Бундай маълумотлар бўлмагани ҳолда хизмат кўрсатувчи гуруҳ сонини тенг миқдорда: асосий посёлкалар учун – аҳоли умумий сонининг 18%, ёрдамчи посёлкалар учун эса – 16% қилиб қабул қилиш мумкин.

D1-жадвал

Аҳолининг хизмат кўрсатувчи гуруҳининг тахминий сони

Хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари	Гуруҳнинг аҳоли сонидаги салмоғи
	сони, %
1. Болаларнинг мактабгача муассасалари	2,5-2,9
2. Умумий таълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасалар	3,8-4,4
3. Маданият ва санъат муассасалари	0,9
4. Соқликни сақлаш муассасалари	1,9
5. Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари	0,2
6. Савдо корхоналари	2,1
7. Умумий овқатланиш корхоналари	1,0
8. Бошқарув ва маблақ билан таъминлаш ташкилотлари ва муассасалари	0,4
9. Алоқа корхоналари	0,4
10. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	1,6
11. Коммунал хўжалиги корхоналари	
- транспорт	0,1
- муҳандислик-техника хизматлари	1,5
- уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари	0,2
- бошқалар	0,9
Жами:	17,5-18,5

Ш. Ўзи фаолият кўрсатмайдиган гуруҳ

Бундай гуруҳ сони мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, пенсионерлар, уй хўжалигида банд бўлган шахслар, олий ўқув юртлари, техникумлар ва хунар-техника билим юртларининг кундузги бўлимларида ўқийдиган ўқувчилардан иборат бўлади.

Ўзи фаолият кўрсатмайдиган аҳоли фоизи муайян объект учун туман статистика органлари маълумотлари бўйича, бундай маълумотлар бўлмаганида эса республикадаги ўртача кўрсаткичга тенг бўлган миқдорда – умумий аҳоли сонининг 63% қилиб қабул қилинади.

Ана шу элементлар асосида аҳоли сонининг ҳисоб-китобини қуйидаги формула бўйича белгилаш мумкин:

$$H = \frac{(A + Pn + C) \times 100}{100 - (B + B)}$$

бунда:

H – жами аҳоли сони;

A – қишлоқ хўжалиги ишчилари;

Pn – хўжаликдаги саноат корхоналари ишчилари сони;

C – муҳандис-техник ходимлар, бутун хўжаликдаги хизматчилар ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар сони;

B – хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчилар сони;

B – ўзи фаолият кўрсатмайдиган аҳоли сони.

D2-жадвал**Меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғининг ўртача ҳисобдаги
кўрсаткичи ва оиланинг ўртача таркиби**

Вилоятлар	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, %	Оиланинг ўртача таркиби, киши
Қорақалпоғистон Республикаси	42,2	5,8
Андижон вилояти	47,0	5,4
Бухоро вилояти	44,7	5,9
Жиззах вилояти	44,3	5,5
қашқадарё вилояти	43,4	5,8
Навоний вилояти	44,1	5,9
Наманган вилояти	45,4	5,2
Самарқанд вилояти	44,0	5,7
Сурхондарё вилояти	43,8	5,9
Сирдарё вилояти	44,9	5,5
Тошкент вилояти	47,3	5,4
Фарғона вилояти	46,4	5,3
Хоразм вилояти	42,1	6,2
Ўзбекистон Республикаси бўйича	44,58	5,65
<i>Изоҳ: Ҳамадан маълумотлари лойиҳалаштиришига доир топшириққа кўра аниқлаштирилди.</i>		

Атроф муҳитни ифлослантирувчи асосий манбаларнинг таъсир кўрсатиш тусига қараб йириклаштирилган кўрсаткичлар

№	Таъсир кўрсатиш манбаи номи	Таъсир кўрсатиш турлари	Таъсир остидаги объектлар	Салбий оқибатларнинг олдини олишга доир тадбирлар
1.	Автотранспорт, бензин қуйиш станциялари, ёнилқи-мойлаш материаллари сақланадиган жойлар	1. Заҳарли моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	1. Ичида ёнадиган двигателларнинг мукамал конструкцияларини жорий қилиш; 2. Автомобилларни газ хилидаги ёқилғига ўтказиш; 3. Ёқилғига қўшимча моддаларни қўшиш; 4. Нейтраллаштирувчиларни ўрнатиш.
		2. Шовқин	Аҳоли, ҳайвонот олами	1. Шовқиндан ҳимоя қилиш тадбирларини ўтказиш: - йўлларнинг ўйилиб қолган жойларини тўлдириш - шовқиндан ҳимоя қиладиган тупроқ тўсиқлари, уюмлар, тепаликларни ясаш; - биноларда шовқиндан ҳимоя қиладиган экранлар ўрнатиш.
		3. Хўжалик ичидаги тупроқли йўлларни ўтказишда тупроқ яхлитлигининг бузилиши.	Ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	1. Сувни чиқариб ташлайдиган иншоотларни қуриш.
2.	Чорвачилик, паррандачилик фермалари ва алоҳида бинолар	Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	1. Тортиб олувчи вентиляцияни ташкил этиш; 2. Ҳавони чанглар ва микроорганизмлардан тозалаш учун махсус филтрларни қуриш; 3. Ҳавога кимёвий реагентлар таъсирида ишлов бериш; 4. Ишчи зонаси ҳавосини ультрабинафша нурлар билан нурлаш ва озонлаштиришни қўллаш; 5. Механик ва физик-кимёвий тозалаш иншоотларини қўллаш;

				<p>6. Фильтрлаш, коагуляция, флотациядан фойдаланиб тиндиргичларни куриш;</p> <p>7. Органик аралашмалар концентрациясини камайтириш учун биологик тозалаш;</p> <p>8. Оқова сувларни хлорли оҳак билан зарарсизлантириш.</p>
3.	қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган ва қайта ишлайдиган корхоналар	Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар	<p>1. Оқизиб юборадиган-тортиб олувчи вентиляция ва маҳаллий сўриб олгичларни куриш;</p> <p>2. Ускуналарни максимал зичлаштириш;</p> <p>3. Ишчи ўринларида оқова сувлар учун маҳаллий қабул қилгичларни куриш.</p>
4.	қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхоналари	1. Ифлосланти рувчи моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ	<p>1. I ва II босқичли тиндиргичларни ташкил этиш;</p> <p>2. Алоҳида техник операцияларни автоматлаштириш;</p> <p>3. Ускуналарда махсус тутиб қолувчи қурилмалар, сигнализация воситаларини ўрнатиш;</p> <p>4. Оқизиб юборадиган-тортиб олувчи вентиляцияни ташкил этиш;</p> <p>5. Нефть маҳсулотлари бор бўлган чиқитларни регенерациялаш.</p>
		2. Шовқин	Аҳоли, ҳайвонот олами.	<p>1. Деворлар ва шифтни акустик сувоқлар билан қоплаш</p> <p>2. Шовқин пайдо бўладиган жойда уни камайтириш (ишчи плиталари остига демпорация қиладиган тўшама - кумлик ванна, тошпахта қатлами жойлаштириш)</p> <p>3. курилиш-монтаж қилиш конструкцияларидаги ёриқ жойларни шовқинни камайтирадиган материаллар билан тўлдириш.</p>
5.	Курилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари: - ғишт заводлари - гипс ва гипсли буюмларни ишлаб чиқариш корхоналари - оҳак, керамзит ишлаб чиқариш корхоналари - картон-рубериод ишлаб чиқариш корхоналари	1. Ишлаб чиқариш чанглари таркибида заҳарли моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	<p>1. Сочилувчан материалларни ташиш учун пневмотранспортдан фойдаланиш.</p> <p>2. Майдаланган материалларни намлаш.</p> <p>3. Аспирация тизимларини куриш ва уларни технологик ускуналар билан бекитиш.</p> <p>4. Оралиқ узеллар ва материаллар кўп юкланадиган жойлар миқдорини қисқартириш.</p> <p>5. Ҳавони чангдан тозалаш учун аппаратларни қўлланиш (газламали ва электр фильтрлар, чангни ютадиган камералар, циклонлар).</p>

	Темир-бетон буюмлари ва шиша конструкция-лари ишлаб чиқариш заводлари	2. Ифлослантирувчи моддаларнинг оқова сувлар билан тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ	1. Горизонтал тиндиргичларда сувларни тиндириш йўли билан механик тозалаш. 2. Коагулянтдан (олтингургурт кислотали алюминий) фойдаланиб механик-кимёвий тозалаш. 3. Аэротенклар ва биофилтрларни қўллаб биокимёвий тозалаш.
		3. Шовқин ва вибрация	Аҳоли, ҳайвонот олами	1. қурилиш-акустик тадбирларни ўтказиш. 2. Шовқин ва механизмлари вибрацияси пайдо бўладиган манбаларда конструктив ёки технологик чоралар билан уларни камайтириш. 3. Шовқинли ва вибрацияли машиналарни муайян масофадан бошқариш.
6.	Пахта заводлари.	1. Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера.	1. Ҳавони толали-минерал ва ўсимлик чангларида тозалашни ташкил этиш. 2. Бирга қўшиб қурилган вентиляция пана жойлари ва сўриб олгичларни қуриш. 3. Аппаратура ва коммуникацияларни зичлаш. 4. Механик тозалашни ўтказиш. 5. Оқова сувларнинг коагуляцияси ва контактли филтрлар-тозалагичларда қўшимча тозалаш.
		2. Шовқин.	Аҳоли, ҳайвонот олами.	1. Шовқин пайдо бўладиган манбаларда уни камайтириш. 2. Шифт ва деворларда шовқинни ютадиган қопламаларни қўллаш. 3. Шовқинни ютадиган мастикани қўллаш.
7.	Маиший ва ишлаб чиқариш чикитлари	Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	1. Ахлатлар ташланадиган жойлар ўрнига юқори микдорда босиб ташланадиган гигиена полигонларини ташкил этиш. 2. Қаттиқ чикитларни компостлар қилиб қайта ишлаш. 3. Қаттиқ чикитларни ёқиб ташлаш. 4. Оқова сувларни тозалаш.
8.	Тупроқнинг сув ва шамол эрозияси, селлар, шўрланган тупроқлар	Тупроқнинг яхлитлигининг бузилиши, тупроқнинг унумдор қатламнинг тугаши.	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	1. Гидротехник химоялаш иншоотларини (лотоклар, сувни чиқариб ташлайдиган қовлар) қуриш 2. Сел йиғиладиган ҳавзаларнинг атрофида дарахтларни ўтказиш. 3. Шамолни тўсадиган, далаларни химоя қиладиган зоналарни ташкил этиш.

				<p>4. Сизот сувларни чиқариб ташлаш учун вертикал машинали дренаж.</p> <p>5. Сув билан ювиладиган далалар ёки вертикал дренажга қўшиб чуқур горизонтал дренажни ўтказиш.</p>
9.	Газ ва нефть маҳсулотлари ер остида сақланадиган жойлар	<p>1. Заҳарли моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши</p> <p>2. Ер ости омборларини қуришда тупроқ яхлитлигининг бузилиши</p>	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	<p>1. Металл коррозиясининг олдини олиш учун битумли материаллардан изоляция тўшамаларини; айланиб турувчи тоқлар - қўшимча ерга уланган ҳимоя симлари ёрдамидаги электрдан ҳимоялашни қўлланиш.</p> <p>2. Оқова сувларни механик воситалардан (қум тутгичлар, нефтни тутгичлар, флотация қурилмалари, резервуар-тиндиргичлардан) фойдаланиб тозалаш.</p>
10.	Пахтачилик далалари	Ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера, тупроқ, ер устидаги ва сизот сувларга чиқарилиши	Аҳоли, ҳайвонот олами, ўсимликлар, тупроқ, атмосфера	<p>1. Далаларга ишлов бериш учун кам заҳарли, тез эриб кетадиган препаратларни қўллаш.</p> <p>2. Маъданли ўғитлар ва пестицидларни махсус транспортда ташиш.</p> <p>3. Заҳарли моддалар билан аҳоли пунктдан 1 км. дан ортиқ масофада жойлашган участкаларда, шамол тезлиги 10 м/сек. дан ошмайдиган шароитларда авиация ёрдамида чанглантриш.</p> <p>4. Маъданли ўғитлар билан 15 см. лик чуқурликда озиклантриш.</p>

М У Н Д А Р И Ж А

1.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2.	ХУДУДНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	6
3.	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ТАРМОҒИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	7
4.	ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ	10
5.	АҲОЛИНИНГ ЛОЙИҲАВИЙ СОНИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ	12
6.	УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	13
7.	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУАССАСАЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	14
8.	ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ ТРАНСПОРТ АЛОҚАЛАРИ	29
9.	МУҲАНДИСЛИК УСКУНАЛАРИ	32
10.	ХУДУДНИНГ МУҲАНДИСЛИК ТАЙЁРГАРЛИГИ	40
11.	АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ	43
А-илова.	Лойиҳалаштириш топшириғи. Ҳудуднинг меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун	47
В-илова.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўладиган материаллар тўпланадиган ташкилотлар рўйхати	49
С-илова.	Лойиҳа ҳужжатларини расмийлаштиришга умумий талаблар	52
Д-илова.	Қишлоқ хўжалиги корхонаси аҳолиси сонини ҳисоб-китоб қилиш услугиёти	53
Е-илова.	Қишлоқ хўжалиги корхонаси аҳолиси сонини ҳисоб-китоб қилиш услугиёти	56

